


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Дониёр Тоштемиров

ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ ЯРАТИШ ВА УНДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ



Гулистон - 2018

Д.Э.Тоштемиров, “Таълим портали яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси”, Методик қўлланма, Гулистон ш., 2018 й. 56 бет.

Методик қўлланма академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, Интернетнинг ахборот ресурсларидан бири ҳисобланган таълим порталларидан фойдаланиш бўйича мулоҳазалар келтирилган. Унинг асосий мазмuni Интернетнинг ахборот ресурсларидан фанларни ўқитишида ва таълим олишда самарали фойдаланишда яқиндан кўмакчи вазифасини бажаришга қаратилган тавсиялардан иборат.

Методик қўлланма Гулистон давлат университети Ўқув–методик кенгashi томонидан (28.08.2018 йилдаги, № 1-сонли баённома) нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: А.А. Абдуқодиров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъод” жамғармаси қошидаги Масофали ўқитиши маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор.

М.Абдукаримов, Сирдарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти, педагогика фанлари номзоди.

И. Исоқов, ГулДУ, “Амалий математика ва информатика” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

© ГулДУ, 2018

“Эртанги кун янгича фикрлайдиган,
замонавий билимларга эга бўлган юксак
малакали мутахассисларни талаб этади.”

Ислом Каримов

Сўзбоши

Мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун замонавий ахборот технологияларини инсон фаолиятининг турли соҳаларига, шу жумладан, таълим тизимиға кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда кўпчилик таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялар (АКТ)ни ўқув жараёнига қўллаш, шунингдек, электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишга мўлжалланган ахборот технологиялари воситаларини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ахборот технологиясининг асосий воситаси сифатида компьютер марказий ўринда туради. У ахборотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган техник воситадир. Ахборот технологияси бу – умуминсоний маданиятнинг ажралмас бир қисмидир.

Республикамида таълим олувчилар учун Интернет тармоғида бир қанча ахборот таълим ресурслари мавжуд бўлиб, уларга: www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг расмий сайти, www.edu.fan.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий сайти, www.natlib.uz – Алишер Навои номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси сайти, www.istedod.uz – Республика Президенти ҳузуридаги “Истебод” жамғармаси портали, www.pedagog.uz - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошида ташкил қилинган таълим портали, www.ziyonet.uz - Ziyonet ахборот таълим тармоғи бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори асосида ташкил этилган, www.e-darslar.net - Ўзбек Интернет фойдаланувчилари учун онлайн, электрон дарслар портали, www.ref.uz – Республикализ талаба ёшлари учун фанлардан мустақил шуғулланишлари учун рефератлар сайти ва бошқаларни келтириш мумкин.

Тавсия этилаётган методик қўлланмада Интернетнинг ахборот ресурсларидан бири ҳисобланган таълим порталларидан самарали фойдаланиш бўйича мулоҳазалар келтирилган.

*Манзил: Гулистон шаҳри, ГулДУ бош биноси,
Физика – математика факультети, “Амалий
математика ва информатика” кафедраси.*

І БОБ. ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Таълим порталлари ва уларнинг ўкув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти

Республикамида жорий қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг ривожланиши учун ҳукуқий-меъёрий, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитларни яратиш, ўкув-услубий мажмуалар ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиши ва жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш, замонавий ахборот технологияларидан таълим жараёнида унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ривожлантириш дастурини рўёбга чиқариш ва шу асосида ўкув-тарбия жараёни юқори сифатли ўкув адабиётлари ва илфор педагогик технологиялар билан таъминлаш амалга оширилади. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғи яъни, Internetга уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади, деб кўрсатилган.

Янги аср таълимининг ривожланишда ахборот технологиялари етакчи ўринни эгаллайди. Бугунги куннинг энг асосий вазифалари турли предмет соҳасини ўз ичига олган билимлар омборини яратишни киритиш мумкин. Замонавий ахборот технологияларини таълим тизимига татбиқ этиш таълимда анъанавий ўқитиш жараёнидан ўқувчининг ўзи таълим жараёнининг боришини аниқлайдиган янги жараёнига ўтишни таъминлайди.

Ҳозирги кунларда таълим тизимида ўкув жараёнини ташкил қилишнинг замонавий шакллари ва усулларини қўллаш, таълим тизимида ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Таълим тизимида масофали ўқитиш шаклларини жорий қилиш масалалари шулар жумласидандир.

Таълим тизимида масофали ўқитиш технологияларини жорий қилиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Уларга, хорижда Интернет технологияси асосида масофали таълимни жорий қилиш муаммолари билан R.England, N.Hammond, A.Jones, ҳамдўстлик мамлакатларида масофавий таълимнинг ташкилий ва педагогик томонлари билан К.Е.Архипов, Е.С.Полат, узлуксиз таълим тизимида масофали ўқитиш муаммолари билан А.А.Андреев, В.Е.Алексеев, Т.Ф.Бардина, А.Н.Горитов, Д.С.Киселев, Ю.Р.Кофтан, О.Лавров, С.Л.Лобачевлар тадқиқотлар олиб боришган. Республикаизда масофали ўқитишни жорий қилиш бўйича А.А.Абдуқодиров (istedod.uz таълим портали), Р.Ҳ.Ҳамдамов ([e-saboq](http://e-saboq.uz) таълим портали)лар тадқиқотлар олиб бормоқда.

Масофали ўқитиш - ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ва илмий асосланган ўқитиш усулларини қўллаб таълим (кундузги, сиртқи, экстернат) олиш шаклидир. Ўқитишнинг бу шакли ўқувчиларга мос таълим порталилар тадқиқотлар олиб бормоқда.

предметини эркин танлаш, ўқитувчи билан мuloқот қилиш шароитларини таъминлайдиган анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланиб, ўқитиш жараёни ўқувчининг қаердалиги ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Масофали таълим - масофали ўқитиш орқали амалга ошириладиган таълимдир.

Масофали ўқитишда ўрганаётган материалнинг асосий ҳажмини ўқувчиларга етказиш, ўқув жараёнида ўқитувчининг интерфаол мuloқоти, ўқувчиларга ўрганаётган материалларни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш, шунингдек, уларнинг ўқиш мобайнида олган билим ва кўнікмаларини баҳолашга имкониятлар яратилади.

Масофали ўқитишда ўқув жараёнига тегишли бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакл, ўқитиш воситалари ва ҳоказо), Интернет-технологиясининг маҳсус воситалари ва бошқалар билан амалга оширилади.

Масофали таълим тизимининг анъанавий таълим шаклидан фарқи, унинг эгилувчанлигига боғлиқ равища юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларда мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув-услубий таъминотнинг ранг – баранг шаклдалигида бўлиб, улар тингловчиларнинг қаердалигидан қатъий назар таълим жараёнининг самарадорлигини кўтаришга имкон беради. Масофали ўқитиш тизимининг ҳаракатчанлик хусусияти ўқув аудиторияларини ташкил этиш ва назорат қилиш, ўқув - методик қўлланма ва электрон кутубхоналарнинг жамғармалари, компьютер тармоқларининг глобал ва маҳаллий ҳисоблаш ашёларидан фойдаланиш, тьютор - консультант ва ўқитувчиларни тайёрлаш каби таълим ашёларидан самарали фойдаланишни режалаштиришнинг муаммоларини келтириб чиқаради.

Масофали ўқитишни ташкил қилишда таълим хизматлари самарадорлигини оширишда ахборот маконининг ўрни жуда катта. Ўқув юртларида фанлардан ахборот маконини яратиш интернет технологияларида таълим порталлари ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Таълим порталида масофали ўқитишни ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиш технологиялари ва тизимларига таълим порталида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни, тест тизимлари мажмуасини келтириш мумкин.

Таълим портали масофали ўқитишнинг асосий ахборот-ресурсларидан бири ҳисобланиб, унга масофали ўқитишнинг ташкилий-услубий ва меъёрий-хукукий базаси жойлаштирилади. Шунинг учун, таълим портали ўқувчилар ва педагогларни мутлақо янги ўқув-услубий воситалар билан таъминлашга хизмат қиласди.

“Портал” инглизча (portal) сўз бўлиб, “дарвоза”, “асосий кириш” деган маъноларни англатади. Портал маълум бир соҳа бўйича фаолият юритувчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда Интернетнинг бошқа сайт ва ахборот ресурсларига

түғридан-түғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлган йирик сайтдир. “Сайт” инглизча (site) сўз бўлиб, “ўрин”, “жой” деган маъноларни англатади. Сайт бирор ташкилот ёки шахсга тегишли бўлган ҳужжат ва маълумотлар тўпламини маълум бир манзил билан компьютер тармоғига жойлаштирилган web ресурс, яъни Интернет саҳифалариридир.

“Портал” сўзи умумий маънода “бирор нарсани бирлаштириш”, “бириктириш нуқтаси” маъноларини ҳам ифодалайди. Интернет технологиясида турли хил универсал сервисларни бирлаштирувчи йирик сайт маъносида қўлланилади. Интернет портали деганда, Интернетдан фойдаланувчиларга бошқа сайтлардан ахборотлар олишга имкон берувчи, ўзида кўплаб ўқув-услубий, илмий материалларни, меъёрий-хукуқий ҳужжатларни мужассамлаштириш имконияти мавжуд бўлган web ресурсдир. Web порталлар интернет фойдаланувчисига керакли ахборотларни танлаш ва тизимлаштириши учун бир қанча қўшимча имкониятлар яратади.

Таълим портали – таълим йўналиши бўйича фаолият юритувчи ва шу соҳада интерактив хизмат кўрсатиб, ахборот ресурслари ва таълимга оид сайтылар билан тўғридан-тўғри боғланадиган йирик сайтдир. Таълим порталларига масофали ўқитиш амалга ошириладиган таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, унинг тузилмалари, молиявий-хўжалик ишларини юритиш, ўқув режа ва дастурлар, ўқув материаллари, тестлар ва бошқалар ҳақида web сайтылар мажмуаси жойлаштирилади.

Албатта, таълим порталларини яратишга умумий талаблар қўйилади. Бундай талаблар қаторига концептуал, конструктив ва технологик талабларни келтириш мумкин. Концептуал талаблар мақсадга йўналтирилганлик, интеграция, тўлалик, яхлитлик, очиқлик, турларга ажратилганлик, самарадорлилик каби тамойилларда амалга оширилади. Конструктив талабларга тақсимланганлик, персоналлаштириш (ихтисослаштириш), мультикорпоративлик ва коммуникабеллик тамойилларини келтириш мумкин. Технологик талабларга эса ахборотларни тизимлаштириш, мультимедиали ахборотлар тавсия қилиш, кўргазмалик, ранг-баранглик, назорат қилиш ва бошқа тамойилларни келтириш мумкин.

Масофали ўқитиш учун яратилган таълим порталининг электрон кутубхонаси гиперматн тизимидан иборат бўлиб, у таълим муассасасининг бошқарув жараёнларини, илмий-ўқув ахборот муҳитига ўтиш ва маълумотлар излашни осонлаштиради.

Таълим портали маълумотлар мажмуасидан иборат бўлиб, Интернет, шунингдек, Интранет тармоқлари талабларига жавоб беради. Таълим портали учун тавсия қилинадиган ўқув-услубий материаллар қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фойдаланувчиларга тушунарлилик ва осонлик;
- маълумотлар мажмуасида мавжуд бўлган ҳар қандай турдаги ахборот билан ишлай олиш имконияти;
- Windows тизимидағи фойдаланувчи интерфейсининг стандартга мослиги;
- маълумотлар мажмуаси билан ишлашда назарда тутилган барча функцияларни таъминлаш.

Масофали ўқитиши учун яратилган таълим порталиниңг электрон кутубхонасида қўйидаги ўқув-услубий материаллар бўлиши тавсия этилади:

- электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик қўлланмалар ва бошқа қўшимча материаллар;
- ўқув-услубий мажмуалар;
- ўз-ўзини назорат қилиш учун тест дастурлари ва саволлар мажмуаси;
- лаборатория ишлари ва уларнинг тавсифи;
- ҳисоб-график, мустақил ишлар, намунавий ишлар ва назорат ишлари;
- ҳисоблаш дастурлари, маълумотномалар, иловалар (қўшимча дастурий таъминотлар);
- ўқув режалар, тақвим-мавзули режалар;
- тадқиқотлар, лойиҳалар бўйича ҳисоботлар.

Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишда таълим порталлари электрон ахборот ресурс маконининг энг асосий вакили ҳисобланади.

Таълим порталиниңг асосий қисми электрон дарсликка асосланган. Электрон дарслик - компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлами самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон ўқув адабиёти ҳисобланади.

Ўқув жараёни учун яратилган таълим портали ўқув жараёни мобайнида намойиш этиш воситаси, компьютер синфларида ташкил этиладиган мустақил ишлаш машғулотларида репититор, мустақил таълим олишга восита, амалий ва лаборатория ишларини бажариш мобайнида услубий ёрдамчи, ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришини назоратчиси, амалий ва лаборатория машғулотлари учун масала ва машқлар билан таъминловчидир.

Таълим портали ўқувчиларга ахборотни ўқиши, маъruzаларни эшлиши, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шаклларини тавсия этиши мумкин.

Таълим портали ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириқлари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда у ўқув предметларининг асосий ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади.

Ўқув жараёнига мўлжалланган таълим порталлари қўйидаги имкониятларга эга бўлиши керак:

- фанлар бўйича таълим мазмунига эга бўлган ахборот ресурслари;
- турли йўналишлар бўйича ўқув курслари;
- тескари алоқани таъминлаш;
- керакли ахборотларни тез топишга ёрдам бериш;
- гиперматнли тушунтиришларга кўп марта мурожаат қилишда вақт ҳисобини

эътиборга олиш;

- экранга маълумотларни чиқаришда компьютернинг мультимедиали имкониятларидан фойдаланиш;
- предметнинг ҳар бир бўйими бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларида мос ҳолда билимларини баҳолай олиш;
- предметнинг ўқув ахборот базаларини янгилаш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Таълим тизимида ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилса, таълим-тарбия жараёни жадаллаштирилади. Таълим-тарбия жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари қаторига қуидагиларни келтириш мумкин:

- мақсадга йўналтирилганлик;
- ўқувчиларнинг мотивациясини кучайтириш;
- таълим мазмунининг ахборотли ҳажмини кенгайтириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-амалий даражасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Таълим порталининг ўқув жараёнида мустақил таълим машғулотларини самарали ташкил қилишда аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Таълим порталидаги компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот – таълим услубини шакллантиришdir. Замонавий ахборот ва педагогик технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбаларидан бири электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимида киришдан иборат.

Таълим порталидаги мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида ишлайди. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим олувчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қиласи. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим олувчиларга турли мураккаблик даражадаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим олувчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин.

Ўқув жараёнида таълим порталидан фойдаланишнинг афзалликлари қуидагилардан иборат:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чукур ва мукаммал ўзлаштириш;
- таълим олишнинг янги шаклларини жорий қилиш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши (вақтни тежаш) имконияти;
- олинган билимлар ўқувчилар хотирасида узоқ муддат сақланиши ва уни

амалиётда қўллаш мумкинлиги.

- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ортиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;
- ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намойиш қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам, ўқув жараёнини компьютерлаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар каби республикамизда ҳам турли йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

1.2. Таълим порталлари асосида масофали ўқитишни ташкил этиш технологиялари

Ўқув жараёнини ташкил қилишда компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланиш таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги юқори бўлишини кўрсатмоқда. Таълим тизимида компьютерли ўқитиш тушунчаси жаҳон педагогик амалиётига ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди.

Жаҳонда ўқитишнинг янги шакли масофали ўқитишнинг ривожланиши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Интернетнинг пайдо бўлиши натижасида масофали ўқитиш тизимининг географияси кенгайиб, оммалашиб, жаҳонда анъанавий ўқитишнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Масофали ўқитишни ташкил қилишнинг асосий элементларидан бири компьютерли ўқитиш дастурларидан фойдаланишdir.

Масофали ўқитиш технологиялари асосида амалга ошириладиган ўқув жараёни ўз ичига аудитория машғулотлари ва аудиториядан ташқари мустақил шуғулланиш машғулотларини ўз ичига олади. Ҳар икки ўқув машғулотлари ҳам масофадан туриб тармоқ технологиялари имкониятларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Масофали ўқитишда тармоқ технологияларининг асосий вазифаси ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқотни таъминлашдан иборат. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги доимий мулоқотсиз ташкил қилинган ўқув жараёни қўзланган самарани бермайди. Таълим тизимининг кундузги шаклида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқот бир вақт, бир жойда ўқув аудиториясида амалга оширилади. Масофали ўқитишда эса бу жараён телекоммуникацион воситалар асосида компьютернинг тармоқ технологиялари орқали амалга оширилади.

Масофали ўқитишда телекоммуникация технологияларини икки турга ажратиш қабул қилинган:

1. On-line технологияси.
2. Off-line технологияси.

On-line технологиясида масофали ўқитиш тизими қатнашувчилари белгиланган вақтда ахборот алмашинишлари мумкин. Бу технологияда таълим тизими иштирокчилари ўқув машғулотларни келишилган бирор аниқ вақтда ўтказадилар. Бу технологиядан фойдаланиш учун дастлаб, Интернет тармоғи орқали аниқ вақтда маълумотлар алмашинуви ташкил қилинади. Бу жараён Интернет технологиясидаги мавжуд хат хабар алмашувчи тизимлар орқали амалга оширилади. Унга жуда кўп қўлланиладиган Chat тизимини мисол қилишимиз мумкин. Бу тизимда икки фойдаланувчи ўртасидаги мулоқот таъминланади. Суҳбат жараёнига кўпчиликни жалб қилиш керак бўлса IRC серверига уланиш керак бўлади. On-line технологияси масофали ўқитишда семинар машғулотлари ва гуруҳ бўйича маслаҳатлар ўтказиша алоҳида аҳамиятга эга.

Масофали ўқитишнинг Off-line технологиясидан фойдаланганда таълим жараёни ўқув материаллари ўқитувчи томонидан тайёрланиб, сервер компьютернинг хотирасида сақланади. Бу ўқув материаллари таълим порталлари деб номланувчи Интернет мулоқот сайtlари мазмунини ташкил қиласди. Таълим олувчилар маҳсус дастурлар (Интернет браузерлари ва бошқалар) ўзига қулай вақтда кўриб чиқиб, ўз билимларини оширадилар.

Off-line технологиясининг асосий ижобий томони компьютер ва телекоммуникация воситалари қобилиятларига қўйиладиган талабларнинг камлигидадир. Бу технологияда таълим олувчилар таълим порталига жойлаштирилган ахборот ашёлари мазмунини кўриб чиқиши орқали таълим оладилар. Таълим олувчилар ўқитувчилар билан мулоқотни Интернетнинг электрон почта (E-mail) хизмати орқали амалга оширади.

Off-line технологиясининг самарадорлиги таълим олувчининг ихтиёрий вақтда таълим олишга шароит яратишидир. Бу технологияда жорий маслаҳатлар, жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ҳамда мустақил ишлаш учун топшириқлар Интернет серверида жойлашган компьютер хотирасидаги порталда ўз аксини топган бўлади. Таълим олувчи ўз компьютерини Интернетга улаб, браузер дастури орқали интернет портали манзилини клавиатура орқали киритиб таълим порталини ўз компьютери экранига жорий қиласди. Масалан, браузер дастури адреслар сатрига www.istedod.uz манзили киритилса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истевъод” жамғармаси томонидан ёш, истиқболли профессор-ўқитувчиларнинг мақсадли масофали малака ошириш курслари материаллари билан танишиш мумкин. www.iatp.uz манзилида Интернетда ишлаш, Ахборотларни ҳимоя қилиш, Web усталари учун семинар курсларидағи ўқув материаллари жойлашган. www.elamak.freenet.uz манзилида Веб курслар учун электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш мумкин. www.dl.net манзилида масофали ўқитиш ресурслари шу жумладан on-line курсларининг ўқув материалларидан фойдаланиш мумкин. www.lessons.ru манзилига мурожаат қилинса Россиянинг масофали ўқитишга мўлжалланган таълим портали экранда пайдо бўлади. Бу порталнинг саҳифаларида хорижий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва on-line тартибидаги дарслардан фойдаланиш мумкин. www.intuit.ru манзилида эса, Россия ахборот технологиялари очиқ

университетининг таълим порталига мурожаат қилинади. Бу порталдан турли хил китобларни ўқиши, ахборот технологиялари соҳасидаги бепул курсларида малака ошириш, тегишли сертификат ва дипломлар олиш мумкин. www.ocw.mit.edu манзилида Америка Кўшма Штатларидағи Массачусетс технология институтининг очиқ сайти жойлашган бўлиб, унда иқтисодиёт, архитектура, математика, кимё, тарих, адабиёт каби 34 та турли соҳалар бўйича 3 мингдан ортиқ бепул курслардан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар жорий қилинган таълим порталидан керакли мавзулар билан кетма-кет танишиб, фан мавзуларини ўзлаштирадилар. Ўзлаштириш даражаларини билиш учун ҳар бир мавзу ниҳоясида тест топшириқларини бажариб кўриш мумкин. Тест натижаларининг ижобийлигига қараб кейинги мавзуларга кетма-кет ўтилади.

Масофали ўқитишда ахборот технологиялари таълим порталлари воситасида ахборот ресурслари устида қуидаги амалларни бажаради:

- ахборот ресурсларини ҳосил қилиш ва тақдим этиш;
- ахборот ресурсларини сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш;
- ахборот ресурсларидан фойдаланиш, назорат қилиш ва амалиётга жорий қилиш.

Масофали ўқитиш жараёнининг асосий ташкил этувчилари қуидагилардан иборат:

- таълим ахборотлари;
- таълим технологиялари;
- ахборот технологиялари.

Таълим ахборотлари деганда масофали ўқитиш жараёнида қатнашаётган ўқувчиларга бериладиган бирор соҳа бўйича мутахассиснинг фаолиятида зарур бўлган билимлар мажмуи тушунилади.

Маълумки, кундузги таълим тизимида ўқитувчи таълим ахборотларини ўқувчиларга етказиб беради. Масофали ўқитишда эса, таълим ахборотларини ўқувчининг ўзи компьютер технологиялари воситасида қабул қилиб олади. Шундай экан, масофали ўқитишга мўлжалланган ахборот ресурсларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Ахборот ресурсларига масофали ўқитишга мўлжалланган таълим порталлари, электрон дарсликлар, билимларни баҳоловчи эксперт тизимларни келтириш мумкин.

Таълим технологиялари деганда масофали ўқитиш учун тайёрланган таълим ахборотларини тингловчига узатиш учун фойдаланиладиган дидактик воситалар мажмуи тушунилади.

Масофали ўқитишда фойдаланиладиган таълим технологияларига қуидагиларни келтириш мумкин:

- видеомаъруза;
- мультимедиамаъруза;
- видеоанжуманлар;
- электрон мультимедиа дарсликлари;
- компьютерли ўқитиш ва тест олувчи тизимлар;
- имитацион моделлар ва компьютерли тренажерлар;
- телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш учун маслаҳатлар ва тестлар.

Бу таълим технологияларининг асосий қисмлари таълим порталларида ўз аксини топади. Таълим портали масофали ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларни боғлаб турувчи восита бўлиб хизмат қиласди.

Масофали ўқитиш жараёнининг асосий ташкил этувчиларидан яна бири ахборот технологиялари тушунчасидир. Ахборот технологиялари деганда масофали ўқитишдаги таълим ахборотларини сақлаш, қайта ишлаш, ўқувчиларга етказиш, ўқувчи билан ўқитувчи орасидаги мулоқотни таъминлаш, ўқувчилар олган билимларини баҳолаш каби функцияларни бажарувчи техник ва дастурйи воситалар мажмуи тушунилади.

Масофали ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг олган билимларини баҳолашда ахборот технологияларининг автоматлаштирилган текшириш тизимларидан фойдаланилади. Автоматлаштирилган текшириш тизимларининг асосий имкониятлари қўйидагилардан иборат:

- табақалаштирилган ва яккама-якка назорат қилиш;
- ўзини ўзи назорат қилиш;
- фан мавзуларини қай даражада ўзлаштирганлигини кўрсатиш;
- ўқувчиларга фанни ўзлаштиришда керакли тавсиялар бериш ва бошқалар.

Масофали ўқитишнинг бир-биридан фарқ қилувчи ташкилий ва услубий моделлари мавжуд. Ташкилий моделларга қўйидагиларни келтириш мумкин: Экстернат ўқитиш, Бир университет негизида ўқитиш, Бир неча ўқув юртининг ҳамкорлиги, Maxsus масофали ўқитиш мақсадида ташкил этилган автоном таълим массасасалари, Автоном ўқитиш тизимлари, Мультимедиа дастури асосида норасмий интеграллашган (бирлаштирилган) масофали ўқитиш. Услубий моделларга эса: Бирламчи модел, Иккиламчи модел, Арапашган модел, Консорциум, Франчайзинг, Валидация, Йироклашган аудитория, Лойиҳалар кабиларни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда кенг фойдаланиб келинаётган масофали ўқитиш моделлари ва уларнинг ўқув-услубий таъминоти қўйидаги мулоҳазаларда келтирилган:

КТ (кейс технологияси) модели. Кириш синовларидан ўтган талаба ўқиши учун ўқув материаллар тўплами (кейс, комплекти)ни олади. Талабалар гурухи одатда бир туманда яшаётганлардан тузилади. Дастлабки машғулотларда тыютор (таълим берувчи) ҳар бир предмет бўйича ўқув-услубий қўлланмалар билан қандай ишлаш кераклиги, предметни ўрганишда нималарга эътибор беришни, мустақил ишларни ташкил этишни, жадвал тузишни ва бошқаларни тушуниради. Сўнгра даврий равишида маслаҳатлар беради, тестларни текширади. Ўқув жараёнининг асосини талабанинг мустақил иши ташкил этади. Ўқитиш воситаларининг асосини аудио-видео материаллар, CD ёки бошқа ахборот ташувчилардаги компьютер дастурлари, электрон ахборот ресурслар ва анъанавий чоп этилган ўқув қўлланмалар ташкил этади. Имтиҳонлар кундузги шаклда ёзма ҳолда ўтказилади. Ўқитишнинг реал жараёни тыютор раҳбарлигига мустақил ўрганишни ва назорат ишларини бажаришни кўзда тутади. Бир ўқув курсда ўқиши муддати ўқув режада кўзда тутилган ўқув соатларининг миқдорига боғлиқ равишида 1-3 ойни ташкил этади.

КО (корреспондентлик таълим) модели. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг бундай моделида зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг, талаба ўқув материаллар олади ва унга маслаҳат берадиган ҳамда назорат ишларини текширадиган ўқитувчи бириктирилади. Ахборот алмашиниш асоси кўпроқ анъанавий почтага тушади. Бу модел XX асрнинг 20-йиларидан буён маълум бўлиб, “ёзишма бўйича” ёки “хатлар орқали ўқиши” кўринишдаги вариантлар асосида фаолият кўрсатади. Замонавий моделнинг фарқи ўқитиши воситалари мажмуасини шакллантиришда чоп этилган ўқув қўлланмалардан ташқари, компьютер дастурлари, аудио ва видео ташувчилардаги электрон ўқув қўлланмалар, шунингдек талабанинг таълим муассасаси билан дидактик ва ташкилий ўзаро алоқасини ўрнатишда телефон ёки бошқа алоқа воситалардан фойдаланиш назарда тутилган. Якуний аттестация кундузги шаклда ёки масофали ўқиши маркази имкониятларидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин. Бу моделнинг асосида почта ёки қандайдир бошқа усулда ўқитувчи билан талаба ўртасида доимий ўқув материал, бажарилган вазифалар, тавсиялар ва ўқитувчининг кўрсатмалари алмашиниши ётади.

РТ (радиотелевизион) модели. Бу модел шартли равища радиотелевизион деб айтилади. Бунда ўқувчига ўқув-услубий ахборотларни етказиш учун телевидение, радио, шаҳар радиотрансляция тармоғидан фойдаланилади. Маслаҳат, имтиҳон ва бошқа машғулотларнинг ташкилий шакллари одатда кундузи ҳолда амалга оширилади. Электрон вариантда тақдим этилган ўқув материалларини етказиш учун Россияда ТВ-информ тизимидан фойдаланилмоқда, “радиотекст” эшилтириш тизимидан ва радиотрансляция тизимидан фойдаланиш мўлжалланмоқда. Бундай моделда масофали ўқитишининг мазмуни қўйидагилардан иборат бўлади: радиоэшилтириш ёки телевидения орқали ўқитишининг маъruzали шакли; тасдиқланган дастурга мос ўқув қўлланма ва қўшимча адабиёт бўйича мустақил тайёрланиш, шунингдек, таклиф этилган курс буйича маслаҳатлар; назорат ва диплом ишларини ёзиш; ёзма ишлари ва тест синовларини баҳолашдан иборат ўқув жараёнининг мониторинги; якуний назорат ва бошқа ўқув элементлар.

СО (тармоқли таълим) модели. Бу модел Интернет тармоғидан фойдаланишга асосланган. Таълим муассасаси, мутахассисликлар ва ўқиши тартиблари ҳақидаги маълумотлар очиқ университетлар сервери сайтида жойлаштирилади ва ўқишини ҳоҳловчилар зарур ҳужжатларни тайёрлаб, масофали ўқитиши марказига электрон кўринишида жўнатадилар. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш каби расмий жараёнлар ўтгандан кейин, ўқувчи ўқув ахборот ресурсларига кириш, яккамаякка маслаҳатлар олиш, оралиқ тестларини топшириш ва тьюторнинг координаталарини билиш учун парол олади. Ўқитувчи билан мулоқот электрон почта, теле ва видеоанжуманалоқа орқали амалага оширилади. Сертификат бериш учун имтиҳонлар кундузги ёки видеоанжуманалоқа орқали ташкил қилинади.

МТ (Мобил технология) модели. Ўқитишининг бундай моделида,

талаба масофали ўқиши мобайнида мобил технологияга асосланган шахсий портатив компьютеридан фойдаланади. Ўрганиладиган курсларнинг электрон кўринишини шахсий портатив компьютер хотирасига тўлиқлигича ёки хотирада камроқ жой қолган ҳолда қисман ёзиб олиниши мумкин. Қисман ёзиб олинган ҳолда ўрганишга қараб материал шахсий компьютердан кабел алоқа орқали қайта ёзиб олиш йўли билан янгиланиб турилиши мумкин. МТ моделида ўқиши мазмунидан тўлиқ фойдаланиш учун шахсий портатив компьютерларига юкори техник имкониятга эга бўлиш талаб этилади.

Маълумки, дунёда барча соҳаларнинг тараққиёти натижасида ахборотлар доимо ўсиб, уларни таҳлил қилиш жараёни тобора мураккаблашиб бормоқда. Замонавий мутахассис қайси соҳада ишламасин, унинг олдида ўзининг соҳасига тегишли турли маълумотлардан хабардор бўлиши ва ўз билим савиясини доимий равишда ошириб бориши талаб қилинмоқда. Бу борада ахборот технологияларининг ўқув жараёнида қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида кўриб чиқилган моделларнинг ўзига хос томонлари ва улардаги ўқув-услубий воситаларни таққослаш учун 1-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

1-жадвал

Масофали ўқитишиш моделларининг услугий таъминотини таққослаш

Моделлар	Ўқув материалларини етказиш	Ўқишиш воситалари	Дидактик ўзаро таъсир қилиш воситалари	Ўқитишининг ташкилий шакллари
КТ	Кундузги	Чоп этилган ўқув қўлланмалар, компьютерли ўқитишиш дастурлари, аудио-видео ресурслар.	Кундузги, телефон, факс.	Ўрнатувчи (дастлабки) машғулотлар, маъruzalар, семинарлар, мустақил иш, маслаҳатлар.
КО	Почта	Чоп этилган ўқув қўлланмалар, компьютерли ўқитишиш дастурлари, аудио-видео ресурслар.	Почта	Мустақил иш, маслаҳатлар.
РТ	Телевидение, радио, радиотрансляция, ТВ-информ, ОТИК, СИВКА	Чоп этилган ўқув қўлланмалар, компьютерли ўқитишиш дастурлари, аудио-видео ресурслар.	Электрон почта, теленжуман	Ўрнатувчи (дастлабки) машғулотлар, маъruzalар, мустақил иш, маслаҳатлар.
СО	Интернет	Гиперматн (Гипермедиа) кўринишдаги ўқув қўлланмалар	Электрон почта, теленжуман	Маъruzalар, семинарлар, мустақил иш, маслаҳатлар.
МТ	Кундузги, ТВ-информ, Интернет	Электрон кўринишдаги ўқув-услубий материаллар	Кундузги	Мустақил иш, маслаҳатлар.

Юқорида келтирилган 1-жадвалда ўқув материаллари, ўқиш воситалари, ўқитувчи ва талабанинг (талаба ва талаба орасидаги) ўзаро мулоқот қилишида дидактик воситалар ҳамда ўқишининг ташкилий шакллари ҳолати бўйича моделларнинг характерли томонлари кўрсатилган.

Маълумки, кундузги ўқитиши тизимида ўқув машғулотларининг маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория машғулоти, консультация, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш ва бошқа услубларидан фойдаланилмоқда. Ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишни ўқув жараёнининг асосий субъекти ҳисобланган ўқитувчи белгилайди. Бунда ўқув машғулотларининг сифатли олиб борилишида таълимнинг дидактик воситалари асосий ўринни эгаллайди.

Масофадан ўқитиши тизимида ҳам ўқув жараёнини ташкил қилишда ўқув машғулотларининг асосий услубларидан фойдаланилади. Бирор соҳа ёки муаммо бўйича дастлабки билимларни эгаллашга қаратилган ўқитишининг асосий услуби маъруза машғулоти ҳисобланади.

Маъруза – билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш, таснифлаш, таърифлар бериш, тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади.

Маърузанинг асосий вазифаси ўқитишининг назарий асосини таъминлаш, ўқув фаолиятига қизиқиши ривожлантириш, ўқув предмети бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига йўналтиришни шакллантиришдан иборат. Кундузги ўқитишда маърузалар ўқитувчи томонидан олиб борилади. Масофали ўқитиши жарёнида эса маърузалар товуш ёзиш қурилмалари орқали компьютер хотирасига ёзилади ва уларни товушни акс эттирувчи аудио қурилмалар орқали тингловчиларга етказилади. Ўқувчилар компьютернинг имкониятларидан фойдаланиб маърузаларни бир неча бор қайта-қайта тинглашлари мумкин.

Масофали ўқитишда маъруза машғулотларнинг назарий материаллари компьютернинг имкониятларидан фойдаланиб, видеомаърузалар ва мультимедиа маърузалар орқали ташкил қилинади.

Видеомаърузаларни ташкил қилиш учун ўқитувчи маърузаси ташки хотира қурилмаларига ёзилади. Бу ёзига олинган маъруза таълим порталига сервер компьютери ёрдамида жойлаштирилади. Видеомаърузаларнинг асосий имконияти тинловчи маърузани ўзига қулай вақтда тинглаши, энг қийин жойларига қайта-қайта мурожаат қилишининг мавжудлигидир.

Мультимедиа маърузаларни ташкил қилишда компьютернинг интерфаол ўқитиши дастурларидан фойдаланилади. Мультимедиа маърузаларининг асосини матн, овоз, тасвир, графика, кўргазмали воситалар ташкил қиласи.

Масофали ўқитишда ҳам фанлардан олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш учун тур хил амалий машғулотлар ташкил қилиш мумкин. Амалий машғулотлар назарий материалларни фикрлаш, қайта ифодалаш кўнилмалари ва касбий фаолият малакаларини ҳосил қилишда катта

аҳамиятга эга. Амалий машғулотларнинг машқ ва масалалар ечиш, семинар дарслари, лаборатория машғулотлари каби турларидан фойдаланиш мумкин.

Машқ ва масалалар ечиш бўйича амалий машғулотлар ташкил қилиш уч босқичда олиб борилади:

Биринчи босқичда – ўқувчиларни масалалар ечиш методикаси бўйича чоп этилган қўлланмалар, таълим портали маълумотлар тўпламида мавжуд бўлган материаллар, видеомаърузалар, компьютер тренажерлари билан таниширилади. Ўқувчиларга машқ ва масалалар ечишда фойдаланилдиган мавжуд усулларни ишлаб чиқиш имкониятини берадиган, олинган назарий билимлар билан аниқ муаммолар орасидаги боғлиқликни тушуниш ва уларни ечиш учун йўналтирилган намунали машқ ва масалалар тавсия қилинади. Шунингдек, ўқувчилар ўз билимларини назорат қилиш учун нафақат тўғри жавобларни белгилайдиган шаклда эмас, балки нотўғри жавоб танланганда берилган савол юзасидан тўла тушунтириш берадиган норасмий тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳолда тестлар нафақат назорат қилиш, балки таълим бериш вазифасини ҳам бажаради.


Иккинчи босқичда – ижодий характердаги машқ ва масалалар тавсия қилинади, бунда ўқитувчи етакчи ўринда туради. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқа On-line технологияси орқали олиб борилади.

Учинчи босқичда – аниқ машқ ва масалаларни ечиш кўнималарини текшириш имкониятини берадиган назорат ишлари ташкил қилинади. Назорат ишларининг натижасига қараб амалий машғулотнинг самарадорлиги аниқланади. Машқ ва масалаларни ечишдаги хатоликлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги хабар алмашиш жараёнида ҳал қилинади.

Тажрибалардан маълумки кундузги ўқитиш билан масофали ўқитишни ўзаро мувофиқлаштириб олиб боришида Off-line технологиясига асосланган таълим порталларидан фойдаланилмоқда.


Масофали ўқитиш асосан мустақил таълим олишга қаратилади. Ҳар бир мавзуни чукурроқ ва кенгроқ ўрганиш учун масофали ўқитишга мўлжалланган таълим порталига мурожаат қилинади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнини ташкил қилишда компьютер тармоқларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Компьютердаги таълим ресурсларини бошқа компьютерларга етказища тармоқ технологияларининг имкониятларидан фойдаланилади. Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув жараёнига жорий қилинадиган таълим ресурслари таълим порталларида ўз аксини топади. Таълим порталидан ўқувчилар жамоаси ўқув машғулотлари вақтида Инtranет технологиялари асосида, якка тартибда эса Интернет технологиялари асосида фойдаланишлари мумкин (1-расм).



1-расм. Интернет ва Интранет технологияларидан фойдаланиш жараёни тузилмаси

Интранет технологияси компьютернинг коорпоратив тармоғи орқали жорий қилинади. Тадқиқотларимиз давомида Гулистан давлат университетида жорий қилинган тармоқ технологиясидан фойдаланилди. Университет сервер компьютерига яратилган таълим портали жойлаштирилган. Тадқиқот объектларини сервер компьютерга боғлаш орқали таълим порталидан фойдаланиш йўлга кўйилди. Университетнинг коорпоратив тармоғи тузилмаси 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Гулистан давлат университетининг коорпоратив тармоғи тузилмаси

Республикамизнинг бир қатор таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига қўллаш ва электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишга мўлжалланган ахборот технологиялари воситаларини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги қуннинг энг асосий вазифаларидан бири турли предмет соҳасини ўз ичига олган ахборот таълим ресурсларини яратиш ҳисобланади. Уларни жорий қилиш таълим порталлари орқали амалга оширилади. Замонавий ахборот технологияларининг таълим тизимиға татбиқи ўқув жараёнида ўқувчиларни таълим олишнинг янги воситалари билан таъминлашга хизмат қиласди. Бунда асосан ўқувчиларнинг мустақил равишда таълим олишларига кенг имкониятлар яратилади.

Хозирги қунда таълим тизимида компьютердан ўқув предметларини ўқитиши ва ўқувчилар эгаллаган билимларини назорат қилишда кенг фойдаланиб келинмоқда. Компьютерлар таълим тизимида асосан тўрт йўналишда қўлланилмоқда. Уларга куйидагиларни келтириш мумкин:

- а) ўрганиш обьекти сифатида;
- б) ўқитишинг техник воситалари сифатида;
- в) таълимни бошқаришда;
- г) илмий-педагогик изланишларда.

Бир қатор таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиб ўқувчилар учун ички ахборот-ресурс маконига эга бўлган Инtranет тармоқлари фаолият қўрсатмоқда. Инtranет тармоғи ахборот-ресурс маконига яъни ички таълим порталига ўқув ва методик адабиётлар компьютернинг мультимедиа имкониятларидан фойдаланиб жойлаштирилмоқда. Бу борада бажарилган амалий ишлардан бири сифатида Гулистон давлат университетида амалга оширилган ишларни келтириш мумкин.

II БОБ. ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ ЯРАТИШ ВА УНДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Таълим портали тузилмаси ва уни яратиш босқичлари

Хозирги кунда таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўқув жараёнини ташкил қилиш анъанавий ўқитиш услугига нисбатан самарали эканлигини кўрсатмоқда. Бунда ўқувчиларга билим беришда ўқув материалларни турли хил кўринишларда етказиб беришнинг имкониятини алоҳида эътироф этиш керак. Компьютерда овоз, ҳаракат, кўргазмали материаллар интеграцияси ўқув жараёнининг янги ўзига хос имкониятини ҳосил қиласди, унинг такомиллашуви ва ривожланиши ўқувчиларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишни янада кенгайтиради.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини кўллаш асосида ягона ахборот ресурсларини яратиш таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифалардан эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўқув жараёнига ахборот технологияларини кўллаш, ўқитишнинг электрон воситалари соҳасидаги илмий тадқиқотлар 30 йилдан кўпроқ тарихга эга. Бу давр мобайнида АҚШ, Канада, Англия, Франция, Япония ва бошқа бир қатор давлатларда ахборот-коммуникация воситаларининг турли имкониятларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқув компьютер тизимлари ишлаб чиқилган. Дастрлабки электрон ўқув воситалари мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни мустақил олиб борувчи йирик саноат корхоналарида, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотларида кўлланилиб келинган. Хорижий давлатларда услубий ва ахборот-дастурли воситаларни ишлаб чиқиш учун юқори малакали психологлар, педагоглар, компьютер дизайннерлари ва бошқа мутахассислар жалб этилган. Етакчи корхона ва фирмалар таълим муассасаларида компьютерли ўқув–услубий тизимларни яратиш лойиҳаларини молиялаштириб бу соҳада тадқиқотлар олиб боришган.

XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, ўқитишни ахборотлаштириш, интеллектуал ўқитиш тизимларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ бўлган янги йўналиш жадал ривожланиб келмоқда. Компьютерларнинг ривожланиши ва кенг тарқалиши, таълим соҳасида янги дидактик имкониятлар яратилди. Компьютерларнинг асосий афзалликлари таълим беришда ахборотларни тақдим этишнинг график имкониятларидан фойдаланиш жараёнида кузатилади. Ўқув жараёнида компьютернинг имкониятларидан фойдаланиш фақат таълим олувчига ахборотни узатиш тезлигини ошириш ва уни тушуниш жадаллигини оширишдан иборат эмас, балки уларда қизиқувчанлик, касбга йўналтириш, ижодий фикрлаш каби сифатларни ҳам ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таълимни ахборотлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири электрон ахборот ресурслари, электрон маълумотлар, электрон энциклопедиялар, электрон таълим берувчи тизимлар, ўқувчилар билимини автоматик назорат қилиш воситалари, электрон ўқув нашрлари сифатида кўриб чиқиладиган

ягона дастурли ўқув-услубий мажмуалар, таълим порталаридағи электрон дарсликлар, тренажерлар ва виртуал стендлар каби электрон воситаларни яратиш ҳисобланади. Ўқув жараёнига кириб келаётган замонавий компьютерлар асосида таълим муассасаларини ахборотлаштириш таълим порталлари ва электрон дарсликлар яратишга асос бўлмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали масофали ўқитиши жараёнини ташкил қилишда таълим порталлари, электрон дарсликлар ва виртуал стендларнинг яратилишига алоҳида эътибор бериш керак. Таълим портали ва унда жойлашган электрон ёки мультимедиали электрон дарсликлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш, анъанавий ўқитишига нисбатан ўзининг бир қанча афзаллик томонлари борлигини кўрсатади. Уларга қўйдагиларни келтириш мумкин:

- ўқитувчига ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришда бирмунча енгиллаштирилиши;
- дарс жараёнида берилаётган ўқув материалларнинг такрорий ҳолда намойиш қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқувчилар ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига эришиш;
- мультимедиали электрон дарсликлар таркибида кўргазмали виртуал стендлар ташкил қилиш имконияти;
- амалий ва лаборатория машғулотларини видео, аудио ва анимацияли воситалар орқали қизиқарли ташкил қилиш имконияти;
- тавсия қилинган ўқув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни тармоқ технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта аудиторияда ва гуруҳларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқув материаллари маълумотлар тўпламини тезкор равишда ўзгартириб, янги ахборот заҳираларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;
- амалий ва лаборатория машғулотлари мобайнида маъруза материалларига ўтиш имкониятининг яратилиши;
- масофадан ўқитиши учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти;
- таълим олувчиларнинг индивидуал билимларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқалар.

Бундай имкониятларга эга бўлган ўқув материалларини масофали ўқитишига тадбиқ этиш, бир вақтнинг ўзида ўқувчиларга ўқув материалларини кўриш, ўқиши, эшитиши, мулоҳаза қилиш ва қайта-қайта такрорлаб ўз билимларини ошириш имкониятларини яратади. Ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўлланилиши, айниқса мультимедиали воситалардан фойдаланиш ўқув жараёниниг дидактив кўринишида тасвирлаш учун жуда катта имкониятлар яратади.

Масофали ўқитиши тизимини ташкил қилишнинг асосий талабларидан бири ўқув материалларини ўқувчиларга тақдим этиш воситалари ҳисобланади. Бунда масофали ўқитиши тизимининг асосини ташкил этувчи ўқув материалларининг электрон версияларини яратишга юқоридаги каби талаблар қўйилади.

Ўқув материалларини электрон кўринишида тақдим этганда унинг

ўқувчилар томонидан тушуниш даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Электрон шаклда тақдим этилаётган материаллар талим олувчилар учун қулай ва яхши ўзлаштира оладиган бўлиши керак. Тавсия этилаётган ўқув материалларида керакли таърифлар, таянч иборалар, калит сўзларга мурожаат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак.

Фанлардан амалий ва лаборатория ишларини виртуал стенdlар кўринишида имитация қилиш орқали ташкил қилиш масофали ўқитиш тизимида қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

- виртуал стенdlар учун маҳсус жиҳозланган хоналар талаб қилинmasлиги;
- лаборатория ишларини анимациялар билан таъминланиш ва обьектлар устида олиб борилаётган жараёнларни тўғридан-тўғри намойиш қилиш;
- яратилган виртуал стенdlардан кўп маротаба фойдаланиш.

Фанлардан амалий ва лаборатория ишларини виртуал стенд тарзида ташкил қилиш масофали ўқитиш тизимида жуда катта аҳамиятга эга. Масофали ўқитиш тизимини ташкил қилиш натижасида кўргазмали ўқув материалларидан узоқ минтақалардаги таълим муассасаларида ўқув жараёни учун керакли ўқув жиҳозлари етарли бўлмаган ҳолда ҳам таълим олувчилар амалий ва лаборатория ишларини бажариш имконияти яратилади.

Электрон ўқув материалларини яратиш, улардан қулай ва самарали фойдаланиш учун электрон ўқув материаллари pdf форматига ўтказилади. Бу форматда тайёрланган материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- маълумотлар хотирадан кам жой эгаллайди;
- маълумотлар ҳимояланган бўлади (ўзгартиришлар, вируслар таъсиридан ҳоли қилиш ва бошқалар);
- маълумотларни қидириш ва чоп этишни тезлаштириш;
- маълумотларни ифодаловчи юқори сифатли шрифтларнинг мавжудлиги;
- ихчам тасвирли маълумотларни яратиш;
- маълумотларнинг зарур саҳифаларига тез ўтишни таъминлаш ва бошқалар.

Бу каби кўрсаткичлар масофали ўқитиш жараёнида фойдаланилайдиган ўқув материалларининг асосий талабларини ташкил қиласди.

Масофали ўқитишнинг асосий воситаларидан бири ўқув-услубий таъминотни яратиш ва уларни такомиллаштириш борасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Масофали ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти таълим порталларида ўз аксини топади. Интернет технологияларида турли ахборот ресурслар ва хизматлардан ташкил топган тизимли сайтни портал деб аташ қабул қилинган. Порталнинг асосий вазифаси интернет фойдаланувчиларига керакли маълумотлар тўпламини тавсия қилиш, мулоқотли вазиятларни ҳосил қилиш, турли хизматларни таклиф этишдан иборат. Тажрибаларга кўра ихтиёрий таълим портали асосий ва ёрдамчи саҳифалардан ташкил топиб, улар “Янгиликлар”, “Ихтиrolар”, “Конференциялар”, “Мақолалар”, “Илмий тадқиқотлар”, “Лойиҳалар”, “Инновация дастурлари”, “Таълим”, “Масофали ўқитиш тизими”, “Малака ошириш” ва бошқалар каби номланади.

Портал фойдаланувчиларга ўз функцияларини вертикал ва горизонтал

йўналишларда жойлашган менюлари орқали бажаради. Портал ўқув ахборот базаси такомиллаштирилган веб сайт ҳисобланади. Шунинг учун ҳам портал web сайт каби фойдаланувчига турли функцияларни, ранг-баранг сервис хизматларни таклиф этади. Уларга қалитли сўзлар ёрдамида ахборотларни қидириш, сарлавҳалар бўйича саралаш, молиявий индекслар билан ишлаш, қундалик янгиликлар, об-ҳаво маълумотлари ва бошқаларни келтириш мумкин. Масалан, Россиянинг www.infoart.ru портали интернет фойдаланувчилари жуда кўп ахборотли хизматларини тавсия қилади. Порталнинг асосий саҳифалари “Бизнес”, “Компьютер”, “Спорт”, “Техника”, “Маданият”, “Тиббиёт”, “Жамият”, “Дам олиш” каби номланади. Бу саҳифаларда турли соҳаларга оид маълумотлар олиш мумкин, уларга адабий ва сиёсий маълумотлар, об-ҳаво маълумотлари, валюта курслари, теледастурлар, қизиқарли маълумотларни келтириш мумкин. Бундан ташқари порталда бепул почта хизмати, чат тизимлари, форумлар, янгиликлар почтаси, аукционлар, сервислар хизмати ва бошқа хизматлар ҳам фаолият кўрсатади.

Таълим портали орқали таълим бериш Россиянинг яна бир олийгоҳи Томск давлат университети қошидаги Масофавий таълим институтида амалга оширилмоқда. Бу олийгоҳда масофали ўқитиши 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Масофавий таълим институти таълим портали материалларидан барча олий таълим муассасалари талабалари фойдаланишлари мумкин бўлган оммавий портал ҳисобланади. Масофавий таълим институтининг таълим портали “Институт ҳақида”, Масофали ўқитиши тизими”, “Таълим”, “Илмий тадқиқот ишлари”, “Курслар банки”, “Янгиликлар”, “Лойиҳалар”, “Инновация дастурлари” ва бошқа саҳифалардан ташкил топган.

Масофавий таълимга мўлжалланган таълим порталида деярли барча умумтаълим фанлари бўйича ахборот ресурслари мавжуд. Таълим порталидаги ўқув материаллари таълим олувчиларга амалий машғулотлардаги ва мустақил таълим машғулотларида берилган топшириқларини бажаришда, синов ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришда катта ёрдам беради.

Томск давлат университети қошидаги Масофавий таълим институти таълим порталида ташкил қилинган ўқув курсларининг аҳамияти шундан иборатки, таълим олувчилар бевосита ўқитувчилар ва курс муаллифлари билан боғланиш имкониятлари мавжуд. Таълим порталида бир нечта таълим ресурслари ва бошқа таълим порталларига ўтиш учун боғланишлар ташкил қилинган. Уларга “Сибир очик университети таълим портали”, “Ёш биолог сиртқи мактаби”, “Ёш химик сиртқи мактаби”, “Электрон университет”, “Россия умумтаълим портали”, “Малака ошириш факультети”, “Гуманитар информатика электрон журнали”, “Ёш менежер сиртқи мактаби”, “Математик моделлаштириш конференцияси”, “Тармоқли семинарлар”, “Физика-математика сиртқи мактаби”, “Масофавий таълим худудий маркази”, “Федерал ресурс маркази” кабиларни келтиришимиз мумкин.

www.distance.ru манзилида Россиянинг яна бир таълим портали

“Электрон университети” жойлашган. Бу таълим портали ахборотларни қидириш тизимида, Форумлар, Почта хизмати, фойдаланувчиларни қайд қилиш каби бир нечта бўлимларга эга. Порталда ҳуқуқий ахборотлар, буйруқлар, қабул ҳайъати, ўқув жараёни, давлат аттестацияси, халқаро муносабатлар каби саҳифалар мавжуд.

www.edu.ru манзилида Россия халқлар дўстлиги университетининг “Россия таълими федерал портали” жойлашган бўлиб, бу порталда Қидирив тизими, Каталог, Ресурслар, Сайтлар, Олий таълим муассасалари, Карталар, Қонунлар, Стандартлар, Ҳужжатлар, Луғатлар, Янгиликлар, Форумлар, Сизнинг саҳифангиз, Портал кутубхонаси, Ўқув-методик кутубхона, Рўйхатдан ўтиш каби саҳифалар мавжуд.

Республикамизда ҳам таълим олувчилар учун бир қанча ахборот таълим ресурслари ҳисобланган таълим порталари яратилган ва улардан ҳозирги кунда кенг фойдаланиб келинмоқда. Уларга қуидагиларни келтириш мумкин:

www.istedod.uz манзилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъодд” жамғармаси портали жойлашган. Портал таркибида масофали ўқитишига мўлжалланган бир нечта курслар мавжуд. Уларга “Инновацион технологиялар”, “Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиши”, “Маънавият ва маърифат”, “Тарбиявий ишларни ташкил этиш” ва “Бошқарув фаолиятини ташкил этиш” каби курсларни келтириш мумкин. Бу курсларда иштирок этиш учун, порталга киргандан сўнг курсга ёзишиш керак. Бунинг учун маҳсус анкета маълумотлари тўлдирилади. Курс материалларини кўздан кечириб, ўрганиб чиқилгандан сўнг, қандай ўзлаштирилганлик даражасини билиш учун маҳсус тест синовлари топширилади. Ҳар бир курс мавзулари ниҳоясида тест синови топширилади. Тест синовларидан 75 % дан юқори ўзлаштиришга эришилса, кейинги мавзу ва курсларга ўтилади.

www.pedagog.uz манзилида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошида ташкил қилинган таълим портали жойлашган. Порталда университет фаолияти таниширилади, шу билан бирга университетда ташкил қилинган ахборот ресурс маконида жойлашган маълумотлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари педагогик йўналишдаги ўқув юртлари, педагогик адабиётлар ва шу соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар билан ҳам танишиб чиқиш мумкин.

www.ziyonet.uz манзилида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ахборот таълим портали жойлашган. Бу портал республикамиз бўйича таълим муассасалари учун таълим олувчиларига электрон ахборот ресурси сифатида фаолият қўрсатиб келмоқда. Порталда таълим олувчилар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик қўлланмалар ва қўрсатмаларнинг электрон вариантлари жойлаштирилган. Таълим портали “Бош саҳифа”, “Публикация”, “Каталог”, “Кутубхона”, “Қизиқарли саҳифа”, “Форумлар” каби бўлимлардан ташкил топган.

www.e-darslar.net манзилида Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилар учун on-line электрон дарслар портали жойлашган. Бу порталга мурожаат қилинса, фойдаланувчига маҳсус логин ва парол берилади. Бу порталда турли

соҳаларга доир электрон ўқув адабиётлари жойлашган.

www.esezam.com манзилида Марказий Осиё, Қозоғистон ва Россиянинг ахборотли портали жойлашган бўлиб, унда ҳудудларнинг интернет ресурслари ҳақида маълумотлар баён қилинган. Порталда ҳар бир ҳудуд бўйича мавжуд ўқув юртлари рўйхати ва мамлакатлар бўйича қомусий ахборот ресурслар жойлаштирилган.

www.uzbekgateway.uz манзилида турли хил ахборот ресурсларга эга бўлган портал жойлашган. Порталда “Янгиликлар”, “Ҳукумат дастурлари”, “Халқаро ташкилотлар фаолияти”, “Қонуншунослик”, “Бизнес”, “Иқтисод” ва бошқа саҳифалар мавжуд. Порталнинг такомиллашиши ва истиқболида виртуал кутубхоналар, виртуал университетлар, электрон конференция ва форумлар ташкил қилиш режалаштирилган.

www.fizika-metodika.freenet.uz манзилида Андижон давлат университети олимлари томонидан яратилган таълим портали жойлашган. Бу порталда физика фанини ўрганиш учун барча илмий ва ўқув-методик материаллар ташкил қилинган. Порталнинг “Мақолалар”, “Ихтиоролар”, “Буюк физиклар”, “Анимациялар”, “Конференциялар”, “Виртуал лабораториялар”, “Янгиликлар”, “Диссертациялар”, “Йўналишлар”, “Муаллифлар” деб номланган саҳифалари мавжуд.

Кейинги йилларда Интернет технологияларининг ривожланиши натижасида ўқув жараёнида таълим олишнинг янги манбаларидан фойдаланиш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Интернет тармоғида жуда кўплаб таълимий ахборот ресурслари яратилмоқда. Яратилаётган ҳар бир ахборот ресурс базаларининг асосий мақсади таълим олувчиларга фан соҳалари бўйича етарлича тўлиқ ва қизиқарли маълумотлар беришдан иборат.

Тармоқ технологияларида таълим тизими учун яратилган таълим порталлари ва улардаги электрон ўқитиш тизимлари камида учта қисмдан иборат бўлиши талаб этилади. Уларга таълим бериш, машқлар бажариш ва назорат қилиш қисмларини кўрсатиш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, Республикаиз таълим тизимидағи касб-хунар колледжларида “Информатика” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқув машғулотларини ташкил этишнинг сифатини ошириш, дарс жараёнида ва мустақил таълим олиш вақтларида ўқувчилар учун етарли ахборот ресурсларини тавсия қилиш мақсадида “Информатика” фани бўйича таълим порталини яратишни мақсад қилиб олдик. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун юқорида таҳлил қилиб ўтилган таълим порталларини батафсил ўрганиб чиқдик.

Тадқиқот ишимизда дастлаб таълим порталининг умумий тузилмасини режалаштириб, ҳар бир ташкил этувчи ахборот ресурслар мазмунини компьютер технологиялари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратишга киришдик.

Таълим портали ахборот ресурсларининг матнли материаллари баён қилишда гиперматнлардан фойдаланилди. Матнли материаллар орасида таянч тушунча ва иборалар алоҳида-алоҳида саҳифаларда баён қилинган. Мавзуга

мос кўргазмали материаллар, тақдимот материаллари ва назорат учун тест варианatlари тавсия қилинган.

Таълим порталида ҳам бошқа ахборот ресурсларни яратишдаги каби дидактик қоидаларга яъни тавсия қилинадиган ўқув материали мазмунини асословчи, кенг ёритувчи ҳамда таълим беришнинг ташкилий шакллари ва усулларига асосий эътибор берилади. Ўқув жараёнида дидактик талабларга ўқув материалларнинг тизимлилиги, кўргазмалилик, тушунарлилик, билимларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги каби кўрсатгичларни келтириш мумкин. Ҳар бир яратилаётган ахборот ресурс материаллари юқорида қайд этилган талаблар асосида яратилиши лозим. Биз яратган ва тавсия қилаётган таълим портали ҳам ушбу талаблар асосида яратилди. Таълим портали ҳозирги кунда касб-хунар коллажларида ўрганилаётган Информатика дарсликлири ўқув материаллари мазмуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда берилган ўқув-услубий материаллар дарсликнинг мазмунини тўлдиради ва ахборот бериш ҳажмини кенгайтиради.

Тадқиқотимиз давомида яратилган таълим портали қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

Биринчи босқичда касб-хунар коллажларида Информатика предметини ўқитишининг ўқув-методик материаллари ўрганиб чиқилди ва улар бўйича керакли маълумотлар тўпланди. Ташкил қилинаётган таълим портали касб-хунар коллажларида Информатика предмети ўқув машғулотларини самарали ташкил этишга, мустақил таълим олишга, ўзлаштирилган билимларни назорат қилишга мўлжалланиши назарда тутилди. Информатика ўқитувчиларига эса ҳар бир назарий ва амалий дарс ўтишларида методик қўлланма сифатидан фойдаланишлари белгилаб олинди. Таълим порталининг мазмуни касб-хунар коллажлари учун ДТС талаблари ва ўқув дастурлари мазмуни ва мақсадига мос келиши ҳамда 120 соатлик миқдордаги ўқув юкламасига амал қилинди.

Иккинчи босқичда таълим порталини тавсия қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича асосий мақсадлар белгилаб олинди. Асосий мақсадлар мазмуни қуйидагилардан иборат:

- касб-хунар коллажлари Информатика предмети ўқув метериаллари тўлиқ электрон варианtlарда, кўргазмали ва анимацион воситалар ёрдамида таълим олувчиларга етказиб бериш;
- таълим олувчиларга индивидуал таълим материалларини тавсия қилиш ва уларнинг билимларини баҳолаш;
- ҳар бир мавзуга мос назарий материалларни, таянч ибора ва тушунчаларни атамаларнинг изоҳли лугатларидан фойдаланиб ўрганишни ташкил қилиш;
- ўқитувчилар учун Информатика предметининг ҳар бир мавзуси юзасидан услугубий кўрсатмалар тавсия қилиш;
- ҳар бир дарсларни интерфаол усулларда ташки қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чикиш;
- ўқувчилар учун индивидуал топшириқлар беришни ташкил қилиш ва уларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;
- ўзлаштириш натижаларига мос ҳолда амалий ва лаборатория

топшириқларини тавсия қилиш.

Тавсия қилинаётган таълим портали ёрдамида касб-хунар колледжлари ўқувчилари “Информатика” фанининг предмети, Ахборот технологиялари ва тизимлари, Компьютерлар – информатиканинг техник асоси, Компьютернинг арифметик ва физик асослари, Компьютернинг дастурий таъминоти, Windows операцион тизими, Матнли ахборотларни қайта ишлаш, Электрон жадваллар, Ахборотларни график усулда қайта ишлаш, Маъумотларни қўргазмали тақдим этиш технологиялари, Касбий фаолиятда амалий дастурлар ва улардан фойдаланиш асослари, замонавий дастурлаш асослари, Web дизайн асослари каби масалалар билан танишадилар.

Таълим портали ўқувчиларга ахборотларни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва ундан фойдаланиш масалалари ҳақида билимлар беришда асосий дарслерка кўмакчи сифатида фаолият кўрсатади. Шу билан бирга касб-хунар колледжлари ўқувчилари келгусида кичик мутахассис сифатида фаолият кўрсатадиларда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш бўйича кўникмалар шакллантирилади.

Учинчи босқичда таълим порталининг ахборот ресурслари мазмунини аниқлаш учун мундарижа тушиб, тавсия қилинаётган маълумотлар тўплами мазмунни режалаштирилади. Режалаштирилган ва таълим порталига жойлаштирилган ўқув материаллар мазмуни 2010-2011 ўқув йилида жорий этиладиган ДТС ва такомиллаштирилган ўқув дастури бўйича қуидагилардан иборат:

- Ахборот ҳақида тушунча. Ахборотни тасвирлаш, сақлаш, ишлов бериш ва узатиш. Ахборотнинг сифат кўрсаткичлари. Ахборотли обьектлар. Ахборотлашган жамият ҳақида тушунча. Жамиятни ахборотлаштиришнинг хуқукий асослари. Ахборотлашган жамиятнинг моддий ва технологик негизлари. Информатиканинг ахборотлашган жамиятдаги ўрни, роли ва вазифалари.

- Компьютер ахборотга ишлов берувчи восита сифатида. Компьютер дастурлари ва уларнинг ахборотларга ишлов бериш жарёнидаги ўрни. Шахсий компьютерлар таснифи ва таркиби. Тизимли блок ва унинг тузилмаси. Компьютерда маъмумотларни ташкил этиш ва сақлаш.

- Шахсий компьютернинг дастурний таъминоти ва унинг турлари. Тизимли дастурний таъминот. Операцион тизим. Драйверлар. Файллар ва каталоглар билан ишлаш. Тармоқ операцион тизими. Амалий дастурний таъминот. Дастурлаш технологиясининг ускунавий воситалари.

- Тизимли дастурний таъминот ва унинг турлари. Операцион тизим ва унинг қобиги остида ишловчи дастурлар. Замонавий операцион тизимлари. WINDOWS операцион тизимининг қўшимча имкониятлари. LINUX операцион тизими, унинг имкониятлари, қўлланилиш доираси, хусусиятлари ва афзалликлари.

- Офис дастурлари пакети ва унинг таркиби. Матн процессорлари ва уларнинг қўшимча имкониятлари. Гипермурожаатлар, расмлар ва мураккаб жадваллар билан ишлаш. Матнлар билан ишловчи бошқа дастурий воситалар. Жадвал процессорининг қўшимча имкониятлари ва улардан фойдаланиш.

Тақдимот ва уни яратишининг дастурий таъминоти. Power Point дастури ва унинг қўшимча имкониятлари. Мураккаб анимацион тақдимот яратиш. Касбий фаолиятда оғис дастурларидан фойдаланиш имкониятлари.

- График объектлар ва уларни компьютерда тасвирлаш усуллари. Компьютер графикаси тушунчаси. Компьютер графикаси турлари. Тасвирларни график мұҳаррир ускуналари(сканер, график планшет ва бошқ.) ёрдамида киритиш ва қайта ишлаш. Растрли ва векторли графиканинг дастурий таъминоти. PhotoShop - растрли график мұҳаррири. CorelDraw- векторли график мұҳаррири. AvtoCad, MathCAD дастурлари ва улар билан ишлаш асослари. Икки ва уч ўлчовли графика. Касбий фаолиятда график дастурларидан фойдаланиш имкониятлари.

- Амалий дастурлар ва улардан турли касбий соҳаларда фойдаланиш. Нашриёт тизимлари. PageMaker дастури ва унда ишлаш асослари. Иқтисодий соҳада қўлланиладиган дастурлар. 1С дастури ва унда ишлаш асослари. Статистика дастури ва унинг имкониятлари. Таржимон дастурлари. PROMT, Uzlat дастурлари ва улар билан ишлаш.

- Замонавий дастурлаш тиллари ва уларнинг таснифи. Дастурлаш тилининг асосий тушунчалари ва операторлари. Бир ва кўп ўлчовли массивлар. Асосий алгоритмик тузилмалар (чизиқли, тармоқланувчи, такрорланувчи) ва уларнинг дастурлари. Процедуралар ва функциялар. Дастурлашда модуллар ва уларнинг ишлатилиши. Объектга мўлжалланган дастурлаш ҳақида тушунча. Delphi дастурлаш тили ва унинг ишчи мұхити. Компонентлар палитраси. Палитра бўлимлари ва айрим компонентлар хоссалари. Delphi дастурлари структураси. Лойиха ва модул. Delphi дастурлаш тилининг операторлари. Delphiда процедура ва функциялар. Delphi дастурлаш тилининг график имкониятлари.

- Web-дизайн ҳақида тушунча, Web-дизайн ва унинг дастурий таъминоти, DHTML, Java, Macromedia Flash технологиялари ва ёрдамида Web саҳифа яратиш ва безаш. Web саҳифаларга расмли, графикли маълумотларни жойлаштириш ва безаш, Web саҳифаларда формалар яратиш ва безаш. Web саҳифаларда анимациялар ва уларни ўрнатиш. Товушли маълумотлар ва улар билан ишлаш, Web саҳифалар билан алоқаларни ўрнатиш имкониятлари .

Тўртинчи босқичда таълим портали яратишида дастурий воситаларидан фойдаланиш мазмуни ёритилади. Дастурий воситалардан фойдаланиш мазмуни қўйидагилардан иборат:


- Матнли материаллар HTML (Hyper Text Markup Language – Гипер матнли белгилаш тили) вариантига ўтказилиб, гиперматнлар орқали гипералоқалар ўрнатилади.

- Маъруза материалларини тақдим этишда ҳар бир асосий саволлар ниҳоясида HTML имкониятларидан фойдаланиб, тест синови асосида назорат ишлари ўтказиш йўлга қўйилди.

- Ҳар бир мавзуга оид ўзига хос қўргазмали материаллар ва ҳаракатли (анимацион) объектлар PowerPoint, Macromedia Flash, Dreamweaver дастурлари имкониятидан фойдаланиб ҳосил қилинди.

Касб-хунар коллажларида “Информатика” фанини ўқитишида ўкув

машғұлтларыда фойдаланиш учун тавсия қилинаётган таълим порталининг тузилмаси 3-расмда көлтирилген.



3-расм. “Информатика” таълим порталининг тузилмаси

Таълим портали мазмуни ўзбек тилида, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида баён қилинди. Ўқув материаллари мазмунини баён қилишда матнли ахборотлардан ташқари, графиклар, расмлар, слайдлар, анимацияли

материаллар, товушли ва видеоматериаллардан фойдаланилди.

Таълим портали мазмунидаги расмли материаллар Adobe Photoshop ва Corel Draw дастурлари имкониятларидан фойдаланилди. Матнли ахборотларни HTML вариантига ўтказишида HTML тили тегларидан ва Dreamweaver дастурларидан фойдаланилди.

Таълим портали материаллари web сайтлар каби браузер дастурларида кўриниш ҳолатига келтириш учун HTML тили имкониятлари ва Dreamweaver дастурлари кўлланилди.

Таълим портали материалларидан фойдаланиш, портални бошқариш учун бошқариш тугмачалари ва ўқув материалларидаги анимацияли воситалар Macromedia Flash дастури ёрдамида тайёрланди.

Тақдимот материалларини яратишида Microsoft Office дастурлари таркибига кирувчи Power Point дастуридан фойдаланилди.

Таълим порталида таълим олувчиларнинг олган билимларини баҳолаш тизими, тест топшириқлари HTML тили, Dreamweaver, VISUAL BASIC ва DELPHI дастурлари имкониятларидан фойдаланиб ташкил қилинди.

Ушбу таълим порталидан фойдаланиш учун қуйидаги техник ва дастурий воситалар мавжуд бўлиши керак: Pentium-IV процессорли компьютер, WINDOWS Xp операцион тизими, Microsoft Office дастурлари, Интернет технологиялари, браузер дастурлари, электрон почта хизмати ва бошқалар.

2.2. “Информатика” фанини ўқитишида таълим порталидан фойдаланиш методикаси

Таълим порталини жорий қилиш ва ундан фойдаланишида ахборот технологиялари асосий ўринни эгаллайди. Таълим порталидан фойдаланишида ахборот технологияларининг қуйидаги ташкил этувчиларидан кенг фойдаланилади: компьютер, принтер, сканер, вебкамера, видеокамера, мультимедиа воситалари, LCD проектор, факс модем, телефон, компьютер тармоқлари, телекоммуникация, ахборот тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, электрон почта, Интернет, сунъий йўлдош алоқа тизимлари, сунъий ақл тизимлари, инновацион технологиялар, турли анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш методлари, масофали ўқитиш, телеконференция, видеоконференция, чат, форумлар ўтказиш ва бошқалар.

Тадқиқот ишимизда яратилган таълим порталидан фойдаланиш қуйидаги мулоҳазаларда баён қилинган:

Информатика фани мисолида яратилган таълим портали қуйидагича ишга туширилади: Интранет тармоғига уланган ихтиёрий компьютердан броузер дастури (Internet Exploler, Opera ёки бошқа дастурлар) ишга туширилади, адреслар қаторига <http://www.inf-gduportal.uz> кўринишдаги буйруқ берилади. Натижада экранда Информатика таълим порталининг бош сахифаси ҳосил бўлади (4-расм).

Таълим порталиниң мазмуни билан танишиш учун горизонтал ва вертикал менюларга мурожаат қилиш керак. Горизонтал меню “Бош саҳифа”, “Таълим ресурслари”, “Тест”, “Атамалар”, “Биз билан боғланиш”, “Портал хақида” бўлимларидан ташкил топган.

Таълим порталиниң вертикал менюси ташкил этувчиларида “Информатика” фанини ўзлаштиришда ёрдамчи маълумотлар жойлаштирилган. Улардан “Информатика” фани ўқитувчилари ва тинловчилари учун иш ёки таълим олиш жараёнида фойдаланишлари мумкин. Вертикал меню “Информатика соҳаси бўйича хуқуқий хужжатлар”, “Ўқув-меъёрий хужжатлар”, “Педагогик ва инновацион технологиялар”, “Масофали ўқитиш технологиялари”, “Тақдимотлар”, “Асосий адабиётлар”, “Қизиқарли маълумотлар”, “Информатика соҳаси олимлари”, “Фотогалерея”, “Видеолавҳалар”, “Ташрифлар ва таклифлар”, “Фойдали саҳифалар” каби бўлимлардан ташкил топган.

Горизонтал менюнинг ташкил этувчилари ва улардан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқайлик.

Горизонтал менюнинг “Таълим ресурслари” деб номланган бўлимига мурожаат қилинса “Информатика” фани бўйича порталга жойлаштирилган ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишга имконият яратилади. “Таълим ресурслари” бўлимининг умумий кўриниши 5-расмда кўрсатилган.




4-расм. “Информатика” таълим порталиниң бош саҳифаси


“Таълим ресурслари” ташкил этувчилари ҳар бири алоҳида саҳифага эга. “Назарий материаллар” бўлимида назарий машғулот ўтиш жараёнидан фойдаланиладиган ўқув-услубий материаллар жойлаштирилган. Назарий машғулотлар жараёнида ўқувчиларга дарс давомида бериладиган асосий ахборот ресурслар “Назарий материаллар” бўлимида мавзуларга мос ҳолда жойлаштирилган. “Назарий материаллар” бўлими танланганда экранга унинг ташкил этувчилари чиқарилади. Мавзулар бўйича тақсимланиши 6-расмда

тасвириланган.

“Назарий материаллар” бўлимидан 1-мавзу танлангanda экранга мавзунинг асосий мазмуни чиқарилади. Ҳар бир мавзу замонавий педагогик технологиялар талаблари асосида ёритилган. Ҳар бир мавзуда 2-3 тадан асосий саволлар ташкил қилиниб, ана шу асосий саволлар атрофлича ёритилган (7-расм). Ўқувчилар ҳар бир асосий саволларни қай даражада ўзлаштирганликларини билиш учун саволларнинг баёнидан сўнг тест технологияси асосида билимларни назорат қилиш жараёни ташкил қилинган (8-расм).



5-расм. “Таълим ресурслари” бўлимининг умумий қўриниши



6-расм. “Назарий материаллар” бўлими ташкил этувчилари

Билимларни назорат қилиш қисми тест технологияси асосида автоматлаштирилган ҳолда ишлайди. Ўқувчилар автоматлаштирилган тест топшириқларини бажариб, ўзларининг мавзу бўйича олган билимларини синовдан ўtkазадилар. Берилган тест топшириқларини ечиш жараёнида автоматлаштирилган тизим жавоб тўғри бўлса, мавзу яхши ўзлаштириганлиги хақида ахборот беради (9-расм), акс ҳолда мавзу яхши ўзлаштирилмаганлиги хақида ахборот бериб, мавзунинг қайси қисмини қайта ўқиш кераклиги тўғрисида тавсия беради (10-расм).

1-мавзу: Informatika fanining предмети.

Ajratilgan vaqt - 2 soat.

Asosiy savollar:

- Informatika fanining mazmuni, maqsadi va vazifalari.
- Informatika fanining asosiy tushunchalar.

Mavzuga oid tayanch tushuncha va iboralar: Informatika, axborot, texnologiya, axborot texnologiyasi, algoritm, dastur, kompyuter, axborotning sifatları, axborotning xossalari, axborotlashgan jamiyat, Bit, Bayt, Kbait, Mbait, Gbayt.

Mavzuga oid asosiy muammolar:

- Informatika fani axborotlarni to'plash, saqlash, uzatish, qayta ishslash va ulardan foydalanish haqidagi fan deb qaraladi. Siz ushu tu'riflashga qo'shilasizmi yoki qo'shimasizmi? Sizingcha qanday ta'rifni fan uchun eng ma'qul deb o'ylaysiz? O'zingizga ma'qul bo'lgan ta'rifni izohlab bering?
- Informatika fanida axborot va ma'lumot deb nomlangan tushunchalar qaraladi. Bu tushunchalarning bir-biridan farqi bormi? Agar mavjud bo'lsa, javobingizni izohlang.

1-asosiy savol bo'yicha darsning maqsadi: Informatika fanining mazmuni, maqsadi va vazifalari to'g'risida ma'lumotlar berish.
Identiv o'quv maqsadlari:

- Informatika fanining mazmunitini ochib bera oladi.
- Informatika fanining maqsadini va vazifalarini izohlay oladi.

1-asosiy savolning bayoni:

Informatika fani hozirgi vaqtida inson faoliyatining turli sohalarida qo'llanayotgan fanlardan biri bo'lib, u XX asrning ikkinchi yarmida yuzaga keldi. Informatika fani inson faoliyatining turli holatlarda axborotlarni izlash, to'plash, saqlash, qayta ishslash va undan foydalanish masalalari bilan shug'ullanuvchi fandir.

7-расм. Танланган мавзу бўйича назарий материалларнинг ёритилиши

- Aniq bir sohalarda axborot tizimi va texnologiyalarini ishlab chiqish, loyiylash, ishlab chiqish bosqichlari uchun tavsiyalar yaratish.
- Informatikaning bosh vanfasi axborotni hosil qilish, yangilashning uslub va vositalarini ishlab chiqish hamda axborotni qayta ishslashning texnologik jarayonlarini tashkil etish kabilidan iborat.

Bilimlarni nazorat qilish

1. Informatika faniga qachon asos solingen?

- XX asrning ikkinchi yarmida;
- XVIII asrning boshlarida;
- XIX asrning ikkinchi yarmida;
- XVI asrning o'tralanda

Tekshirish

2. "Informatika" atamasi qanday ma'noni anglatadi?

- Informatika so'zi nemischa bo'lib, axborotni avtomatlashtirish degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi inglizcha bo'lib, axborotni hosil qilish degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi lotincha bo'lib, axborotni qayta ishslash degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi frantsuzcha bo'lib, axborotni avtomatik qayta ishslash degan ma'noni anglatadi.

Tekshirish

3. Axborotlarni hosil qilish, qayta ishslash, jamlash va uzatish qonunlari, uslub va yo'llari haqidagi fan bu ... fanidir.

- Elektrotehnika
- Informatika
- Matematika

8-расм. Билимларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими

Автоматлаштирилган тизим мавзунинг қайта ўқилиши керак бўлган қисмини автоматик равишда экранга чиқаради (11-расм). Экранга чиқарилган мавзу қисмлари тестнинг тўғри жавобларини топишга ёрдам беради.

- Informatika amaliy fan sohasi sifatida quydigalar bilan shug'llanadi:
- Axborot jarayonlari dogoniyatlarni o'rganish (axborotlarni hosil qilish, yig'ish, qayta ishslash, foydalanish);
 - Inson faoliyatining turli sohalarida kommunikatsiya axborot modellarini yaratish;
 - Aniq bir sohalarda axborot tizimi va texnologiyalarini ishlab chiqish, loyiylash, ishlab chiqish bosqichlari uchun tavsiyalar yaratish.
- Informatikaning bosh vanfasi axborotni hosil qilish, yangilashning uslub va vositalarini ishlab chiqish hamda axborotni qayta ishslashning texnologik jarayonlarini tashkil etish kabilidan iborat.

Bilimlarni nazorat qilish

1. Informatika faniga qachon asos solingen?

- XX asrning ikkinchi yarmida;
- XVIII asrning boshlarida;
- XIX asrning ikkinchi yarmida;
- XVI asrning o'tralanda

Tekshirish



2. "Informatika" atamasi qanday ma'noni anglatadi?

- Informatika so'zi nemischa bo'lib, axborotni avtomatlashtirish degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi inglizcha bo'lib, axborotni hosil qilish degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi lotincha bo'lib, axborotni qayta ishslash degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi frantsuzcha bo'lib, axborotni avtomatik qayta ishslash degan ma'noni anglatadi.

Tekshirish

9-расм. Автоматлаштирилган тизимнинг тест саволига берилган жавоб натижаси хақидаги ахбороти

- Axborot jarayonlariagi qonuniyatlarini o'rganish (axborotlarni hosil qilish, yig'ish, qayta ishlash, foydalanish);
 - Inson faoliyatining turli sohalarida kommunikatsion axborot modelarini yaratish;
 - Aniq bir sohalarida axborot tizimi va texnologiyalarini ishab chiqish, loyhalash, ishab chiqish bosqichlari uchun tavsiyalar yaratish.
- Informatikaning bosh vazifasi axborotni hosil qilish, yangilashning uslub va vositalarini ishab chiqish hamda axborotni qayta ishlashning texnologik jarayonlarini tashkil etish kabilardan iborat.

- 1. Informatika faniga qachon asos solingan?**
- XX asming ikkinchi yarmida;
 - XVIII asming boshlarida;
 - XIX asming ikkinchi yarmida;
 - XVI asming o'talarida



- 2. "Informatika" atamasi qanday ma'noni anglatadi?**

- Informatika so'zi nemischa bo'lib, axborotni avtomatlashtirish degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi inglizcha bo'lib, axborotni hosil qilish degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi lotincha bo'lib, axborotni qayta ishlash degan ma'noni anglatadi.
- Informatika so'zi frantsuzcha bo'lib, axborotni avtomatik qayta ishlash degan ma'noni anglatadi.

Tekshirish

10-расм. Мавзу яхши ўзлаштирилмаганлиги ва мавзунинг қайси қисмини қайта ўқиши кераклиги тўғрисида тизимнинг ахбороти

Назарий материалларнинг ҳаммаси юқорида кўриб ўтилган технология асосида ўқувчиларга тавсия қилинади. Ҳар бир мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни баҳолаш учун таълим порталининг “Тест” саҳифасига мурожаат қилинади.

Informatika fani hozirgi vaqtida inson faoliyatining turli sohalarida qo'llanilayotgan fanlardan biri bo'lib, u XX asming ikkinchi yarmida yuzaga keldi. Informatika fani inson faoliyatining turli holatlarda axborotlarni izlash, to'plash, saqlash, qayta ishlash va undan foydalanish masalalari bilan shug'ullanuvchi fandir. Informatika fan sifatida informatsion jarayon (axborotlashgan jarayon) larning qonuniyatlarini o'rganadi. Informatsion jarayon keng tushuncha bo'lib, ma'lumotlarni jamlash, uzatish, saqlash, to'plash, qidirish va iste'molchiga berishgacha bo'lgan jarayonlarni o'zida aks ettiradi. Informatika atamasi fransuzcha "information" (axborot) va "automatique" (avtomatika) sizilaridan hosil bo'lib, axborotni avtomatik qayta ishlash ma'holarini anglatadi. Informatika atamasi 60-yillarda Fransiyada kompyuterlar yordamida axborotlarni qayta ishlashni avtomatlashtirish bilan shug'ullanadigan soha uchun ishlatalgan. Ingлиз tilida bu fan Computer sciense (kompyuter texnikasi haqidagi fan, kompyuter ta'limi, kompyuter bilimlari) deb yuritiladi. Informatika atamasi XX asming 60-yillarda ishlatala boshlagan bo'lsada, uning alohida fan sifatida ajralishi 40-50 yillarga to'g'ri keladi. Ma'lumki, bu davrda tarixda birinchi EHM yaratilgan edi. (1942 yil, AQShda ENIAC deb nomlangan elektron hisoblash mashinasi). Birinchi EHM yaratilgandan so'ng Informatika fani yanada rivojlanib hozirgi taraqqiyot darajasiga etdi. Informatika kompyuter texnikasining rivojlanishi tufayli yuzaga keldi, unga asoslanadi, kompyutersist mavjud bo'la olmaydi va o'z navbatida uning rivojiga, yangilanishiga o'z hissasini qo'shadi. Umumiy qilib aytganda, informatika fani axborot texnologiyalari vositalari yordamida axborotni taqdim etish, qabul qilish, saqlash, unga ishllov berish, uzatish usullarini va ularni boshqarish usullarini tizimli ravishda o'rganuvchi fandir. Hozirgi vaqtida informatika fanini o'rganish ketma-ketligi sifatida oly o'quv yurti, o'rta maxsus o'quv yurtlari va o'rta umumtalim muassasalari belgilab olinib, har bir o'quv muassasasi uchun ta'lim standartlari yaratilgan, ular bir-birining davomi sifatida faoliyat ko'rsatadi.

11-расм. Автоматлаштирилган тизимнинг тавсиясига асосан 1-тест саволига бериладиган жавобнинг мазмунин ёритилган назарий материал қисми

“Тест” бўлимида “Информатика” фанининг барча бўлимлари мазмунини қамраб олган тест топшириқлари бир неча вариантларда тавсия қилинган. “Тест” бўлимига мурожаат қилинганда 12-расмда кўрсатилган тест варианatlarinini tanlaش ойнаси ҳосил бўлади:


...:: TEST

1. variant
2. variant
3. variant


12-расм. Тест варианatlarinini tanlaш ойнаси

Тавсия қилинган варианлардан бири танланса тест топшириқлари экранда пайдо бўлади (13-расм).

Тест топшириқларининг ҳар бир вариантлари сўнгги қисмида бажарилган тестларнинг натижалари чиқарилади. Натижалар 14-расмда кўрсатилган натижани чиқариш ойнасида баён қилинади.



13-расм. Тест топшириқлари ойнаси



14-расм. Тест натижаларини чиқариш ойнаси

Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида “Информатика” фанига тегишли таянч тушунчалар ва ибораларнинг изоҳли лугатига эҳтиёж туғилади. Таълим порталининг “Атамалар” деб номланган бўлимида фанга оид таянч тушунчалар ва ибораларнинг изоҳли лугати берилган. “Атамалар” бўлимига мурожаат қилинганда 15-расмда кўрсатилган “Атамалар” бўлими ойнаси ҳосил бўлади:

<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr><td>a</td><td>b</td><td>c</td><td>d</td><td>e</td><td>f</td><td>g</td><td>h</td><td>i</td><td>j</td><td>k</td><td>l</td><td>m</td><td>n</td><td>o</td><td>p</td><td>q</td><td>r</td><td>s</td><td>t</td><td>u</td><td>v</td><td>w</td><td>x</td><td>y</td><td>z</td></tr> </table> <ul style="list-style-type: none"> • <u>Abonent (Abonent)</u> • <u>Abonentlarni ro'yxatga kiritish (Registratsiya abonentov)</u> • <u>Ada tili</u> • <u>Adapter</u> • <u>Adashlar</u> • <u>Agent</u> • <u>Ahamiyatli signal birligi</u> • <u>Aholini axborotlashtirishga tayyorlash</u> • <u>Ajrota olish</u> • <u>Ajratilgan aloqa liniyasi</u> • <u>Akkaunt (Akkaunt)</u> • <u>Alfa - sinov (Alfa testirovaniye)</u> • <u>Algoritma</u> • <u>Alias</u> • <u>Al-Jamol algoritmi</u> • <u>Aloqa foydalanuvchisi</u> • <u>Aloqa kanali</u> • <u>Aloqa operatori</u> • <u>Aloqa seansi</u> 	a	b	c	d	e	f	g	h	i	j	k	l	m	n	o	p	q	r	s	t	u	v	w	x	y	z	<p>Abonent <i>(Abonent)</i></p> <p>Abonentlarni ro'yxatga kiritish <i>(Registratsiya abonentov)</i></p> <p>Ada tili</p> <p>Xizmat ko'rsatuvchi axborot ob'ekti (tizim, tarmoq, majmua) bilan o'zaro ishlash huquqiga ega qurilma, yuridik yoki jismoniy shaxs.</p> <p>Abonentning har qanday foydalanuvchidan farqi shundaki, u xizmat ko'rsatuvchi axborot ob'ekti foydalanuvchilari ro'yxatiga kiritilgan bo'ladi.</p> <p>Smotrite: Ro'yxatga kiritish</p> <p>Yuqori pog'ona dasturlash tili. U 1970 yillarda oxiri 1980 yillarda boshida AQSh Mudofaa vazirligi tashabbusi bilan turli maqsadlar uchun, biznes qo'llamalardan tortib aeronavigatsiya tizimlarigacha ishlab chiqilgan. Pascal tili asosida yaratilgan bo'lib, jiddiy to'ldirishlarga va modulli tuzilmaga ega. U parallel amallarni bajarish va murakkab axborot tizimlari yaratishni ta'minlab, operatsion tizimlarga nisbatan yuqori darajali mustaqilligini bilan tashvishlanadi. Til ma'lumotlarga haqiqiy vaqt maromida parallell ishllov berish vositalarini quvvatlaydi. Ada tili analitik dvigatel – birinchi mexanik kompyuter uchun dasturlar ishlab chiqishda</p>
a	b	c	d	e	f	g	h	i	j	k	l	m	n	o	p	q	r	s	t	u	v	w	x	y	z		

15-расм. “Атамалар” ойнасининг умумий кўриниши

“Атамалар” бўлимидаги таянч иборалар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати алфавит тартибида жойлаштирилган бўлиб, қайси ҳарф танланса шу ҳарф билан номланувчи сўз, ибора ва тушунчалар ҳамда унинг изоҳлари экранда пайдо бўлади. Масалан: Ахборот миқдорининг ўлчов бирлиги Байт ҳақида маълумот керак бўлса, “Атамалар” алфавит тартибидан b танланади. Натижада “Атамалар” ойнасининг чап қисмида B ҳарфидан бошланувчи сўз, ибора ва тушунчалар, ўнг томонида эса тегишли изоҳловчи маълумотлар пайдо бўлади (16-расм).

Горизонтал менюнинг “Биз билан боғланиш” ва “Портал ҳақида” бўлимларида порталнинг муаллифлари ва улар билан боғланиш бўйича мулоҳазалар баён қилинган. Уларнинг умумий кўринишлари 17- ва 18-расмларда келтирилган.

“Биз билан боғланиш” бўлими танланса экранда мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. Бу мулоқот ойнаси орқали портал фойдаланувчилари ўз таклифлари ва фикрларини ёзиб портал ташкилотчilariga мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун “Биз билан боғланиш” мулоқот ойнасида сўралган маълумотлар киритилгандан сўнг фикр ва мулоҳазаларни “Мактуб матнини киритинг” деб номланган соҳага киритиб, “Юбориш” тугмаси босилади. Натижада фойдаланувчи фикр ва мулоҳазаларидан иборат хабарлар портал ташкилотчilariga етиб боради (17-расм).

:: ATAMALAR	
a b c d e f g h i j k l m n o p q r s t u v w x y z	
• <u>Badrivat mantiq</u>	Bayt
• <u>Bepul dasturiy ta'minot</u>	Sakkiz bitga teng bo'lgan axborot miqdorining asosiy o'lchov birligi. Keng ishlatalidigan qisqartirishlar: Kb q Kilobayt q 210 bayt, Mb q Megabayt q 220 bayt, Gigabayt (Gb) q230 bayt, Terabayt (Tb) q240 bayt, Petabyte (Pb), Exabyte (Eb), Zettabyt (Zb), Yottabyte (Yb).
• <u>Bavonoma</u>	
• <u>Baza danno'x (BD)</u>	
• <u>Baza zmaniy (BZ)</u>	
• <u>Baza informatizatsii normativno-pravovaya</u>	
• <u>Baza informatizatsii texniko-tehnologicheskaya</u>	
• <u>Bazis variant</u>	
• <u>Bazovaya set</u>	
• <u>Bazovaya stantsiya</u>	
• <u>Bazovaya etalonnaya model vzaimodeystviya otkro'to'x sistem</u>	
• <u>Bazovo'y kompyuter</u>	
• <u>Bazovo'y massiv danno'x</u>	
• <u>Bazovo'y funktsionalno'y profil</u>	
• <u>Bay Networks korporatsiyasi</u>	
• <u>Bayrog</u>	
• <u>Bayt</u>	
• <u>Bank danno'x</u>	

16-расм. Б ҳарфидан бошланувчи атамаларнинг изоҳли луғати ойнаси




17-расм. “Биз билан боғланиш” ойнасининг кўриниши

“Портал ҳақида” бўлимида порталнинг нима мақсадда яратилганлиги, порталнинг вазифаси, ундан фойдаланиш учун мулоҳазалар, шунингдек, портални яратган шахслар ҳақида маълумотлар келтирилган (2.23-расм).

Вертикал менюнинг ташкил этувчилари ва улардан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқайлик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, вертикал меню ташкил этувчилари таълим олувчиларга ўқув предметига доир қўшимча маълумотлар билан таъминлаш учун хизмат қиласди. Ҳар бир ташкил этувчи ўзига мос маълумотлар базасига эга.



18-расм. “Портал ҳақида” бўлимининг кўриниши

Вертикал менюнинг “Информатика соҳаси бўйича ҳуқуқий хужжатлар” деб номланган саҳифасида Информатика соҳасига ва фанларни ўқитиши жараёнига оид ҳукуматимиз томонидан жорий қилинган Фармонлар, Конунлар, Қарорлар, Дастурлар ва Низомлардан кўчирмалар жойлаштирилган.

“Ўқув-меъёрий ҳужжатлар” деб номланган саҳифада “Информатика” фани бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС), тармоқ стандартлари, ўқув дастурлари, баҳолаш бўйича Низом, ишчи ўқув дастури ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатлар жойлаштирилган.


“Педагогик ва инновацион технологиялар” саҳифасида ўқитиши методлари, педагогик технологиялар, инновацион технологиялар, ноанъанавий ўқитиши методлари ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

“Масофали ўқитиши технологиялари” саҳифасида масофали ўқитиши тушунчаси, масофали ўқитиши ташкил қилиш жараёнлари, масофали ўқитишининг ахборот ресурслари ва улардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Таълим порталиниң “Тақдимотлар” бўлими танланса “Информатика” фанига оид турли мавзуларни ўзлаштириш учун тақдимот материаллари экранга жорий қилинади (19-расм).

“Тақдимотлар” ойнасидан “Информатика фанининг предмети” мавзуси танланса экранда мавзуга мос тақдимот материаллари пайдо бўлади. Худди шунингдек, “Ахборот тўғрисида маълумотлар” мавзуси танланса шу мавзуга мос тақдимот материаллари ҳосил бўлади. Тақдимот материалларидан лавҳалар 20- ва 21-расмларда тасвирланган.

“Асосий адабиётлар” саҳифасида касб-хунар коллежларида “Информатика” фанини ўқитиши жараёнида фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.



19-расм. “Тақдимотлар” ойнасининг кўриниши

Informatika


Axborot va ularni yig'ish, saqlash, qayta ishlash va uzatishning texnik vositalari haqidagi fan.



21-расм. “Информатика фанининг предмети” мавзусига оид тақдимот материалы

“Axborot” tushunchasi

Axborot - birlamchi va turli ta'riflaruga ega bo'lgan tushunchadir. Ammo, u quyidagi tarkibdan tashkil topadi:



22-расм. “Ахборот тўғрисида маълумотлар” мавзусига оид тақдимот материалы

Менюнинг “Қизиқарли маълумотлар” бўлими танланса экранда “Информатика” фани бўйича турли хил қизиқарли маълумотлар тавсия қилинади. “Қизиқарли маълумотлар” бўлими ҳам ишчи ойнада бир нечта ташкил этувчилар билан намоён бўлади. Унинг умумий тузилиши ва маълумотлардан лавҳалар 23- ва 24-расмларда тасвиirlанган.

::: QIZIQARLI MA'LUMOTLAR

- Bill Gayts xayoti va faoliyati
- Eng nufuzli 100 kompaniyalar
- Eng taniqli xakkerlar ...
- Geografik domenlar
- Hisoblash mashinalari tarixi
- Qidiruv tizimlari
- O'zbekistonda internet provайдерлари
- Windows taraqiyoti
- Xakkerlar tarixi

23-расм. “Қизиқарли маълумотлар” бўлими ишчи ойнаси

“Информатика соҳаси олимлари” саҳифасида Информатика соҳасида буюк ихтиrolар яратган, соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимларнинг фотосуръатлари ва улар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

XISOBLASH MASHINALARINING TARIXIY TARAQQIYOTI

Inson hisoblay boshlashidagi dastlabki hisoblash vositasi bo‘lib odamlarning barmoqlari xizmat qilgan. Ammo ular yordamida faqat sanash ishlarni bajargan (sabab barmoqlar soni cheklangan). Shuning uchun asta-sekin sun‘iy hisoblash vositalari vujudga kela boshlagan. Ulardan birinchiлari bo‘lib toshlar va tayoqchalar bo‘lgan. So‘ngra abak (grek, misrlik, rimlik, xitoylik suan-pan va yaponlik soroban), Neper tayoqchalari, rus schyotlari vujudga kelgan.



Ammo odamzod, o‘ziga o‘xshash mexanik mashinani - yordamchini (robotni) yaratish orzusi bilan yashab kelgan edi. 1623 yilda nemis olimi Vilhelm Shikard (1592-1636) tomonidan ixtiro qilingan mexanik moslama mexanik hisoblash mashinalar davrini boshladi.

24-расм. “Қизиқарли маълумотлар” бўлимидан “Ҳисоблаш машиналари тарихи” тўғрисидаги маълумотлар ойнаси

“Фотогалерея” саҳифасида “Информатика” фанини ўқитиши жараёнлари, техник воситалар, компютердан фойдаланиш жараёнлари тўғрисида фотолавҳалар жойлаштирилган (25-расм).



25-расм. “Фотогалерея” саҳифасидан лавҳа

“Видеолавҳалар” саҳифасида “Информатика” фанидан дарс ўтиши жараёнида фойдаланиладиган видеоматериаллар жойлаштирилган.

“Ташрифлар ва таклифлар” саҳифасида порталдан фойдаланувчилар тўғрисида маълумотлар ва уларнинг портални такомиллаштириш бўйича таклифлари мазмуни баён этилади.

“Фойдали саҳифалар” бўлимида Интернет ресурслари тавсия қилинган бўлиб, унда республикамиз ва бутун дунё бўйича Интернет ресурслари манзили берилган.

Хар бир тавсия қилинаётган маълумотлар тўпламини ҳосил қилишда

Информатика соҳаси ўқув адабиётлари шунингдек, Интернет технологиясининг маълумотлар базасидан фойдаланиди. Интернетдан олинган материаллар www.informika.ru ахборот-ресурс базасидан олинди. Тавсия қилинган маълумотлар асосан рус тилида, баъзилари эса таржима қилиниб портал ахборот-ресурс базасига киритилди.

Яратилган таълим порталидан ўқув машғулотларида фойдаланиш жараёнини назарий машғулотлар яъни маъруза дарслари мисолида келтирамиз.

“Информатика” фанидан назарий машғулотлар маъруза шаклида ташкил қилинади. Маърузада мавзу бўйича асосий материаллар оғзаки баён этилади. Маъруза дарсларида асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга, билим, қўникма ва малакаларнинг оширилишига қаратилади.

Касб-хунар коллежларида ўқув машғулотлари 80 дақиқа (2 академик соат)дан иборат бўлгани учун маъруза дарсларининг маъруза-сухбат, маъруза-мунозара турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“Информатика” фанидан маъруза дарсларида кўргазмалилик катта аҳамиятга эга. Маъруза дарсларида электрон стендлар, слайдлар, электрон дарслик ва электрон тақдимотлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

1-мавзу. Информатика фанининг предмети.

Дарснинг мақсади:

а) таълимий;

- ўқувчиларни “Информатика” фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари билан таништиришга эришиш;

- ахборот тушунчаси, уни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг асосий усулларини ўргатишга эришиш;

- “Информатика” фанининг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб, тушунтириб бера олишларига эришиш;

б) тарбиявий;

“Информатика” фани ва унинг асосий обьекти бўлган компьютерларнинг ҳаётимиздаги ўрнини тушунтириш орқали ўқувчиларни бу фанга қизиқиши руҳида тарбиялаш;

в) ривожлантирувчи;

ўқувчиларнинг ахборот тўғрисидаги билимларини такомиллаштириш, комрьютерлардан фойдаланиш, ахборотларни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш ҳақидаги билимларини ривожлантириш.

Дарснинг тури: назарий

Дарсда қўлланиладиган методлар:

- муаммоли топширик;
- аклий ҳужум;
- давра сухбати;
- кичик гурухларда ишлаш;
- “Резюме” технологияси.

Дарснинг жиҳози:

- “Информатика” таълим портали;
- видеопроектор, электрон тақдимот материаллари.

Дарсда кутилаётган натижалар:

- ўқувчилар “Информатика” фани ва унинг асосий тушунчалари ҳақида маълумотга эга бўлади;
- ахборот тушунчаси ва уни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг асосий усусларини ўрганади;
- “Информатика” фанининг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини кўрсата олади ҳамда тушунтириб бера олади;

Дарснинг бориши:

Дарснинг ташкилий қисми.

Дарсни ташкил қилиш учун ўқитувчи таълим порталидан мавзуга мос тақдимот материалларини экранга жорий қиласди.

Дарснинг мазмуни:

Ўқитувчи мавзу ва унда ёритиладиган асосий масалаларни экранга жорий қилиб, мавзу бўйича тўлик назарий маълумотларни кўргазмали материаллар асосида ёритади. Шундан сўнг ўқувчиларнинг гурӯхи иккига ажратилади ва ҳар икки гурӯхга муаммоли топшириқлар берилади.

1. Информатика сўзининг пайдо бўлиши ва унинг маъноси нимани ифодалайди?
2. Ахборот тушунчаси ва унинг маъноси нимани ифодалайди?

Ҳар иккала гурӯх ўзларининг жавоблари билан ўзаро баҳслашадилар. Ўқитувчи уларнинг фикрларини умумлаштиради ва қарор қабул қиласди. Берилган топшириқларнинг маъноси ифодаланган кўргазмали материалларни экранга жорий қилиб (21-22-расмлар), ўқувчилар билимларини мустаҳкамлайди.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга мавзу юзасидан саволлар тавсия қиласди:

- Информатиканинг жамиятдаги ўрни қандай?
- Информатиканинг бугуни ва келажаги ҳақида сўзлаб беринг.
- Жамиятни ахборотлаштириш деганда нима тушунилади?
- Ахборот тушунчасига таъриф беринг.
- Ахборот технологияси нима?
- Ахборот миқдори қандай ўлчанади?

Бу саволларга ҳар иккала гурӯх ўзаро баҳслашиб жавоб берадилар. Ҳар бир саволнинг жавобини ўқитувчи таҳлил қилиб, жавобларни таълим порталининг “Таълим ресурслари” ва “Тақдимотлар” саҳифаларидан фойдаланиб тўлдиради.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

Ўқитувчи янги мавзу бўйича ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун таълим порталида жойлашган видеоматериаллардан фойдаланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи гурӯхни учта кичик гурӯхга бўлади. “Резюме” технологияси бўйича қўйидаги 2-жадвал шаклда тарқатма материал тавсия қиласди:

2-жадвал

“Резюме” технологияси бўйича мавзуга мос тарқатма материал кўриниши

Компьютернинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикрларингиз	Компьютердан фойдаланишнинг салбий томонлари

Хулоса:

Тарқатилган материални кичик гурух аъзолари келишган ҳолда тўлдирадилар. Бу тарқатма материални ўқувчилар томонидан тўлдирилиш намунаси қўйидаги 3-жадвал шаклда бўлиши мумкин:

3-жадвал

Ўқувчилар томонидан тарқатма материални тўлдириш намунаси

Компьютернинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикрларингиз	Компьютердан фойдаланишнинг салбий томонлари
<ul style="list-style-type: none">- ахборотларни ҳосил қилиш ва қайта ишлаш жараёни сифатли бўлади;- ахборотлар ишончли сақланади;- ахборотлар тез узатилади натижада янгиликлар ўз вақтида жойларга етказилади;- ақлий меҳнатда кўмакчи;- ишлаб чиқариш жараёнини сифатли бошқариш;- молия ва банк тизимининг асосий воситаси;...	<ul style="list-style-type: none">- Инсон соғлига таъсири;- ахборотларнинг қўпайиши ва узатилишининг тезлашиши натижасида керакли ахборотларни топиш қийинлашади;- ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида ишсизлик микдори ошади;- барча ақлий меҳнатга жорий қилиниши натижасида инсонда фикрлаш туйғуси сусаяди;...

Хулоса: Компьютер инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, компьютер фойдаланувчисининг ақлий меҳнатида кўмакчи вазифасини ўтайди.

Ҳар бир кичик гурух аъзолари ўзларининг тарқатма материалларга берган жавобларини тавсия қиласи. Гурухлар бир-бирининг жавобларини тўлдириши ва шу саволлар доирасида ўз фикрларини ҳавола қилиши мумкин. Ўқитувчи бу фикрларни таҳлил қилиб ўқувчилар гурухига баҳо беради.

Мавзу бўйича ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун ўқувчилар ўзлари таълим порталига мурожаат қилиб, “Таълим ресурслари” саҳифасида 1-мавзуга ўтади (6-7-расмлар). Натижада 1-мавзунинг мазмунин экранга чиқади. Мавзу баёнининг қуи қисмида “Билимларни назорат қилиш” тизимига ўтилади (8-,9-,10-расмлар). Унда тест топшириклари жойлаштирилган бўлиб, мавзуни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Таянч сўзлар: Информатика, ахборот, ахборот технологиялари, компьютер, ахборотлашган жамият, ахборот микдори, ахборотнинг ўлчов бирликлари, техник ва дастурий воситалар.

Ўқувчиларни рағбатлантириш: Дарс жараёнида ўқувчиларни

рағбатлантириш учун уларнинг ўзлаштирган билимларини баҳолаш амалга оширилади.

Баҳолаш жараёнида берилган саволларга жавобларнинг тўлиқлиги, келтирган далиллари, тушунчалари, амалий жиҳатдан ёндашувлари эътиборга олиниши лозим. Юқорида кўриб ўтилган “Резюме” технологияси асосида баҳолаш амалга оширилса, ўқувчилар гуруҳи баҳоланади. Ўқувчиларни индивидуал баҳолаш учун мавзуга мос тест топшириқларидан фойдаланилади. Бунинг учун ўқувчилар таълим порталининг “Тест” сахифасига мурожаат қилиши керак (12-расм). Бунда 1-мавзуга мос тест танланиб, тест саволларига жавоб беришлари мумкин. Тест топшириқларидан намуналар 3-иловада келтирилган. Тест топшириқларини бажарилиши натижасида, ўқувчилар олган баҳо экранда ҳосил бўлади (13-14-расм). Порталнинг “Тест” сахифасида ҳар бир мавзуга доир 20 тадан тест топшириқлари жойлаштирилган.

Тест топшириқларининг натижаси 100 баллик тизимда баҳоланади. Ҳар бир мавзудаги 20 та саволнинг ҳар бири 5 баллдан баҳоланади. Бунда баҳолаш мезони 100 баллик тизимдан 5 баллик тизимга ўтказилади. Тест топшириш жараёнида ўқувчи 20 та саволдан 17-20 оралиқда тўғри жавоб берса, 86-100 оралиқда балл берилиб, ўқувчига “5” баҳо қўйилади. Тўғри жавоблар 14-16 оралиқда бўлса, 71-85 оралиқда балл берилиб, ўқувчига “4” баҳо қўйилади. Тўғри жавоблар 11-14 оралиқда бўлса, 55-70 оралиқда балл берилиб, ўқувчига “3” баҳо қўйилади. Агар тестда тўғри жавоблар сони 11 тадан кам бўлса, ўқувчига “2” баҳо қўйилади.

Дарс ўқувчиларга уйга вазифалар бериш билан якунланади. Уйга бериладиган вазифа таълим порталининг “Мустақил ишлар” сахифасида келтирилган.

Ушбу дарснинг технологик харитаси қуйидаги 4-жадвалда келтирилган:

4-жадвал

“Информатика фанининг предмети” мавзуси бўйича маъзуза дарснинг технологик харитаси

Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	<p>Тайёрлов босқичи: Дарснинг мақсади: Информатика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари тўғрисида маълумотлар бериш.</p> <p>Идентив мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Информатика фанининг мазмунини очиб бера олади. -Информатика фанининг мақсади ва вазифаларини изоҳлай олади -Информатика фанининг асосий тушунчаларини изоҳлай олади. -Ахборот тушунчасига таъриф бера олади. -Технология тушунчасига таъриф бера олади. -Ахборотнинг ўлчов бирликларини айта олади. 	Ўқитувчи

	<p>Қўлланиладиган интерфаол усул: муаммоли топшириқ, давра сұхбати, баҳс, “Резюме” технологияси.</p> <p>Бериладиган саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Информатика сўзининг маъноси ахборот деган маънони билдиради. Бу фикр тўғрими? Фикрингизни билдиринг. -Ахборот ва маълумот тушунчалари бир-биридан қандай фарқ қиласи. Жавобингизни мисоллар асосида тушунтиринг. -Ахборотнинг ўлчов бирликлари орасидаги боғланишларни изоҳлаб беринг. 	
2-босқич	<p>Кириш:</p> <p>2.1. Мавзуу ва қўриб чиқиладиган масалалар тушунтирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Информатика фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари; -Информатика фанинг асосий тушунчалари. <p>Информатика фанига оид қўргазмали воситалар видеопроектор ёрдамида экранда намойиш қилинади.</p> <p>2.2. Мавзуу юзасидан гурухдаги талабаларга саволлар берилади ва уларнинг фикрлари сўралади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Жамиятни ахборотлаштириш деганда нима тушунилади? -Информатиканинг жамиятдаги ўрни қандай? -Информатиканинг бугуни ва келажаги ҳақида сўзлаб беринг. -Ахборот тушунчасига таъриф беринг. -Ахборот технологияси нима? - Ахборот микдори қандай ўлчанади. 	Ўқитувчи
3-босқич	<p>Гурухда ишлаш.</p> <p>3.1. Талабаларнинг фикрлари кетма-кетлиқда эшишилади. Барча талабалар баҳсга жалб қилинади. Фикрлар, эътиrozлар эшишилади.</p> <p>3.2. Талабалар фикрларидағи ўхшашилик ва қарама-қарши томонлари ҳамкорликда аниқланади, барча фикрлар ҳам таҳлил қилинади.</p> <p>3.3. Барча талабалар томонидан айтилган фикрлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва энг тўғри фикрлар жамланади.</p> <p>3.4. Айтилган ғоялар тўлдирилади, информатика фанига оид тушунчаларга алоҳида изоҳлар берилади.</p>	Ўқитувчи-талаба
4-босқич	<p>Якуний фикрлар айтилади: талабалар билимини баҳолаш учун тест топшириклари тарқатилади, ёки экранга тест топшириклари намойиш қилинади. Талабалар билими баҳолаш мезони асосида баҳоланади.</p>	Ўқитувчи
5-босқич	<p>ТМИ топшириклари берилади.</p> <p>Дарс якунланади ва талабалар билан хайрлашади.</p>	Ўқитувчи

Тақдим этилаётган таълим порталида барча мавзулар ушбу дарс ишланмаси каби ёритилган. Таълим порталининг “Таълим ресурслари” сахифаси “Технологик хариталар” бўлимида барча мавзуларнинг технологик хариталари жойлаштирилган. Технологик харита дарс жараёнини режали ташкил қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Интернетнинг ахборот ресурслари манзиллари

Таълимга оид сайтлар:

- www.ilm.uz - Ўзбекистон таълим портали. Ўзбекистон Олий таълим муассасаларининг рўйхати ва сайтлари. Республика олий таълим бўйича маълумотлар.
- www.gov.uz-Ўзбекистон Республикаси хукумати саҳифаси. Ундан расмий ахборотлар, Олий мажлис қарорлари ҳақида маълумот олиш мумкин.
- www.aza.uz-Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги саҳифаси. Ундан турли мавзудаги маълумотлар ва ахборот агентликлари ҳақидаги маълумотларни, янгиликларни олиш мумкин.
- www.pravo.eastlink.uz-Ўзбекистон қонунчилиги, ҳуқуқий ахборот тизимиға бағишлиланган саҳифа. Унда қонунлар, турли хужжатлар ва кодекслар келтирилган.
- www.freenet.uz - Ўзбекистандан Freenet саҳифаси. Ўзбекистон ва Марказий Осиё бўйича турли соҳалардаги ашёлар, USAID грантлари, Электрон алоқа хизмати.
- www.book.uz -Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олган.
- www.baht.uz - Оммабоп маълумотлар тўплами.
- www.toefl.org - хорижий талабалар учун маълумотномалар сайтлари.
- www.ras.ru - Россия фанлар академиясининг сайти.
- www.glaznet.ru - таълим бўйича ашёлар ва лойиҳалар.
- www.informika.ru - Россия ўқув юртларининг маълумотлар омбори.
- www.ukma.kiev.ua - Украина ўқув ва илмий тадқиқот институтларининг сайти.
- www.mnemo.ru - «Хорижда ўқиши» журнал ва хорижий ҳамда Россия таълим муассасасалари ҳақида маълумотлар.
- www.aboutstudy.ru - «Обучение.Ру» Россия таълим сайти.
- www.ugatu.ac.ru – турли фанлардан электрон дарсликлар, информатика фанидан тест саволлар мажмуаси ва бошқалар.
- www.infomicer.net – Электрон дарсликлар, энциклопедиялар, мультимедиа материаллари ва бошқалар.

Электрон кутубхоналар сайти

- www.natlib.uz - Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси сайти.
- www.vlibrary.freenet.uz - ўзбек тилида "Виртуал кутубхона" электрон дарслиги.
- www.nns.ru — Россия Миллий электрон кутубхонаси.
- www.library.ru — Россия электрон кутубхонаси.
- www.vlib.org/ — WWW виртуал кутубхона.

www.viva.com — Virginia On-line library.

www.vcu.library.edu—Virginia Commonwealth Universityнинг кутубхонаси.

www.library.wustl.edu — Вашингтон университетининг виртуал кутубхонаси

Масофали ўқитишига мўлжалланган сайлар:

www.istedod.uz – Республика Президенти ҳузуридаги “Истеъод” жамгармаси портали.

www.e-darslar.net - Ўзбек Интернет фойдаланувчилари учун онлайн, электрон дарслар портали.

www.youthcenter.freenet.uz - Ёшлар Интернет Маркази (Интернетда ишлаш, ўқиш, АТ соҳасида иқтидорли ёшларни аниqlаш ва уларни ривожланишига шароит яратиш, масофали ўқитиши).

www.wcb.vcu.edu - Virginia Commonwealth университетининг Он-лайн курслари.

www.dlcoursefinder.com — халқаро масофали ўқитиши курслари.

www.weblist.ru - Россиянинг масофали ўқитишига бағишлиланган сайти.

www.dist-edu.ru — Евросиё масофали ўқитиши тизими.

www.eden.bme.hu — Европа масофали таълим тармоғининг сайти.

www.miem-as/ins/ru/dlc/ -Москва Давлат Электронника ва Математика институтининг масофавий таълим маркази.

www.edu.yar.ru - "Eydos" масофавий таълим маркази.

www.ido.ru.base.html - Москва иқтисодиёт статистика ва информатика масофавий таълим институти.

www.informika.ru - Россия Федерацияси умумий ва профессионал таълим министрлиги "информатика" масофавий таълим институти.

www.linkmsk.ru - "LINK" халқаро масофавий таълим маркази.

www.stup.ac.ru - PENZA masofaviy ta'llim regional markazi.

www.uicde.ru -Урал Давлат техника университетининг халқаро масофавий таълим институти.

www-2net.stu.neva.ru - Санкт-Петербург Давлат техника университетининг масофавий таълим маркази.

www.cdl.bmstu.ru - Н.Е.Бауман номли Москва Давлат техника университетининг масофавий таълим маркази.

www.ouhk.edu.hk - Asian Association of Open Universities.

www.open.ac.uk - UK Open University.

www.detc.org - Distans Education and Training council.

www.tecfa.unige.ch - Distans Education on the WWW.

www.dlnet.uz - Distance learning in Uzbekistan.

www.Intuit.ru - Россия Ахборот Технологиялари Интернет университетининг белул ўқиш курслари.

www.cnit.ssau.ru - Ахборот технологиялари бўйича масофавий ўқитиши курси.

www.ntu.edu - Буюк Британиядаги Ахборот технологияларидан масофавий ўқитиши курслари.

www.word2word.com - Турли тилларни ўрганиш бўйича бепул курслар.
www.english-online.org.uk - Инглиз тилини ўрганиш бўйича бепул масофавий ўқитиш курси.
www.cxm.karelia.ru - Қишлоқ хўжалиги машиналарини ўрганиш бўйича масофавий ўқитиш курси.
www.conted.ox.ac.uk - Фалсафага кириш бўйича масофавий ўқитиш курси.

Илмий сайтлар:

www.aas.org - Америка астрономлар жамияти сахифаси.
www.acs.org - Америка химиклари жамияти сахифаси.
www.aibs.org - Америка биология фанлари институти сахифаси.
www.aip.org - Америка физика институти сахифаси.
www.ams.org - Америка математиклари жамияти сахифаси.
www.ansi.org - Америка миллий стандартлар институти сахифаси.
www.plasma-gate.weizmann.ac.il/API.html - Интернетда атом физикаси.
www.chemicalonline.com - Интернетда химия.
www.geog.le.ac.uk - Интернетда география, геология ва метеорология.
www.math.utsa.edu - Интернетда математика сахифаси.
www.informika.ru - Россия ўкув даргоҳлари маълумотлар базаси.
www.litera.ru - Адабиётлар
www.glaznet.ru - Таълим ресурслари ва проектларига бағишлиланган сахифа.
www.online.ru - Информацион сахифа бўлиб, унда деярли ихтиёрий мавзудаги маълумотларни топишингиз мумкин.
www.ras.ru - Россия Фанлар Академияси сайти.
www.plekhanov.ru - Плеханов номидаги Россия иқтисод академияси сайти
www.ukma.kiev.ua - Украина таълим ва илмий институтлари серверлари ҳақидаги сайт.
www.physcs.nw.ru - Интернетда физика.
www.kulichki.ru - Информация сахифа бўлиб, унда фойдали маълумотлар, маслаҳатлар ва турли хил ресурсларни топишингиз мумкин.

Жамгарма ва халқаро ташкилотларнинг сайлари

www.istedod.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармаси.
www.undp.org - Бирлашган Миллатлар ташкилоти сахифаси;
www.worldbank.org - Жаҳон банки сахифаси;
www.gov.ru - Россия Президенти девонхонаси сахифаси:
www.inter.net.ru - "Internet" журнали;
www.eurasia.org — Евросиё жамғармаси.
www.funderonline.org — онлайндаги Жамғармалар.
www.irex.org — IREX дастури. Америка, ўқитувчи ва илмий ходимлари олиб бораётган илмий тадқиқотлари қўллаб қувватлаш жамғармаси.
www.iatp.uz — IATP сайти. Бу дастур Интернет ва унинг имкониятини

ўргатишга қаратилган.

www.jica.org — Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги.

www.unesco.org — таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ.

www.worldbank.org — халқаро банк сайти.

www.yahoo/Education/Grants/ — таълим грантларига бағишлиланган Yahoo сайти.

www.osi.uz — очиқ жамият институти Ўзбекистонни қўллаб қувватлаш жамғармаси.

www.soros.org - Сорос фонди саҳифаси.

www.unesco.org - ЮНЕСКО ташкилоти саҳифаси.

www.who.ch - Жаҳон соғлиқ ташкилоти саҳифаси.

www.nobel.se - Нобел фонди саҳифаси.

Қизиқарли сайклар:

www.nic.icom.org - компьютер музейлари ва кўргазмаларининг каталоги.

www.ourworld.compuserve.com - компьютерларнинг тўла ривожланиш даврларига эга бўлган немис компьютер музейи.

www.deutsches-museum.de - компьютер ва фан тарихига мўлжалланган немис тилидаги немис музейи

www.deutsches-museum.de - инглиз тилидаги музейи.

www.computer-museum.org - Калифорния колледжининг оддий ва виртуал экспонатларига эга бўлган Америка музейи.

www.mo5.com – мусиқали француз информатика музейи.

www.museum.uevora.pt - Португалиянинг информатика музейи.

www.ieee.org, www.computer.org - Computer Society тузилмасининг саҳифалари.

www.comlab.ox.ac.uk - Чарльз Бэббидж музейи.

www.cs.yale.edu - Ада Лавлейс музейи.

www.comlab.ox.ac.uk - Атанасов Джон Винсентнинг музейи.

www.zib-berlin.de - Конрад Цузенинг музейи.

www.intel.ru - Микропроцессорли гигант – Intel – рус тилида.

www.microsoft.com - Программали гигант – Microsoft.

www.apple.ru – Стив Джобс ва Стив Возняклар яратган компьютерга эга бўлган Apple фирмасининг музейи.

www.ibm.com - IBM - компьютер гиганти.

www.computer-museum.ru - Россия компьютер музейи.

www.mailcom.com - БЭСМ-6 га баҳишлиланган Леонид Брухис музейи.

www.comcen.com.au - Собиқ иттифоқ калькуляторининг Andrew Davie муаллифлигига ташкил этилган Сидней (Австралия) музейи.

www.schools.techno.ru - №444-сонли Россия мактабининг виртуал музейи.

www.bozor.uz — Хизмат ва маҳсулотларнинг электрон каталоги.

www.uzreport.com — ахборот-таҳлилий ашё: Ўзбекистон, туризм, иш ва бошқалар.

www.asia-art.uz - Ўзбекистон замонавий санъат виртуал галереяси.

www.louvre.fr - Франциядаги Лувр музейи музъжизалари билан таништиради.

www.nirvanet.fr - Дунё маданияти билан таништирувчи саҳифа.
www.microserve.net - АҚШ мусиқа асарлари билан танишишингиз мумкин.
www.music.indiana.edu - Интернетдаги мусиқа ресурслари саҳифаси.
www.games.yahoo.com - Компьютер ўйинлари саҳифаси.
www.familydoctor.ru - Оила доктори саҳифаси.
www.pslgroup.com - Врачлар кўрсатмаси.

Ахборот - коммуникация технологияларга оид глоссарий:

Ахборот – сўзи лотинча «*informatio*» сўзидан келиб чиққан бўлиб «тушунтириш, таништириш, баён этиш» - деган маъноларни англатади.

Ахборот технологиялари – ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш, ўзгартириш, қайта ишлаш усул ва воситалари йифиндисидан иборат.

Ахборотлаштириш - ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шартшароитлар яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

Ахборот ресурслари – инсонларнинг у ёки бу ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун тўпланган барча ахборотлар тушунилади.

Ахборот тизими – ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланиш имконини берадиган ташкилий жиҳатдан тартибга солинган мажмуи.

Виртуал аудитория – масофали ўқитиши шароитида ўқувчилар гурухи ўқув - тарбия жараёнини ташкил этиш.

Виртуал университет – ахборот – таълим мухити, бошқариш блоклари ва виртуал таълим муассасасини бошқариш йифиндиси.

Виртуал сервер – бу провайдер билан келишган ҳолда компьютернинг имконияти даражасига қараб алоҳида сервер кўринишда ишлашга мўлжалланган қўшимча плата (электрон схемалар) ўрнатилган компьютер хисобланади.

Веб саҳифа - оддий хат ёки китоб саҳифасидан фарқли нарса тушунилади. Веб саҳифа - Интернет - провайдерга хизмат қилувчи ва қандайдир фирма, ташкилот ёки шахсга тегишли хизмат қилувчининг узоқлаштирилган компьютерида қандайдир ном билан бирлаштирилиб, жойлашган ахборотлар тўпламидир.

Веб сайт – бир нечта саҳифалар туркуми сайт (*site*) деб аталади. Веб сайт саҳифалари ўлчамлари шахсий компьютернинг экрани ўлчамларига автоматик равища мослаштирилади.

Веб портал - сўзи инглизча сўз бўлиб, умумий маънода бирор нарсани бирлаштириш, бириктириш нуқтаси маъноларида қўлланилади. Интернет

технологиясида эса турли хил универсал сервисларни бирлаштирувчи йирик сайт маъносида қўлланилади.

Глобал тармоқлар – турли мамлакатлар ёки қитъаларда, ер юзининг барча жойларида жойлашган тармоқ фойдаланувчиларини бирлаштиради.

Гипермедиа – матндан ташқари бошқа шаклдаги маълумотларни ҳам тавсия қилувчи хужжатлар ҳисобланади.

Гиперматн - Гиперматн ихтиёрий жойда жойлашган ўзаро алоқадаги хужжатлар орасидаги алоқа. Ажратилган жумла ёки сўзни "сичқонча" билан босилганда фойдаланувчи тезгина ушбу мавзу ёритилган файлларга ўтиши мумкин.

Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқбол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

Локал (маҳаллий) тармоқлар (LAN - Local Area Network)-бир хонадаги, бинодаги, унча катта бўлмаган худуддаги компьютер тармоқлари.

Регионал (минтақавий) тармоқлар - бир-биридан анча узокда жойлашган компьютерлар ва маҳаллий тармоқларни ўзаро боғлайди.

Масофали ўқитиш – ахборот-коммуникацион технология (компьютерлар, телекоммуникация, мультимедиа) воситалари ва илмий асосланган ўқитиш усулларини қўллаб таълим (кундузги, сирқи, экстернат) олиш шаклидир.

Масофали таълим (distant education) – ахборот технологиясини фойдаланган ҳолда масофадан туриб таълим мухити ёрдамида ўқув ахборотларини алмашинишни таъминлайдиган ва ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўнікмаларни эгаллаш жараёни.

Электрон почта (E mail)- Жўнатиш учун мўлжалланган электрон хат, яъни матнли файл фойдаланувчининг манзили ва хат мазмунидан ташкил топади.

Электрон дарслик - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган.

INTERNET - International Network (халқаро компьютер тармоғи) - бутун дунё компьютер тармоғи. Internet – WWW гиперматнларга асосланиб ахборот ташкил, узатиш ва қабул қилиш тизимини амалга оширадиган халқаро компьютер тармоқидир.

WWW - World Wide Web ("Умумжаҳон ўргимчак тўри") - гипермуҳитга асосланиб Интернетда ташкил қилинган ахборотлар тизими.

URL (Uniform Resource Locator - ашёларни унификасия қилинган кўрсатувчиси) - Web-тугуннинг манзили. URL кўрсаткичи одатда хужжатнинг транспорт баённомасини (масалан, HTTP ёки FTR) ва у жойлашган host - компьютернинг номини ифодалайди. Бундан ташқари URL

кўрсаткичлари ўзларида ушбу компьютердаги ҳужжатга кириш маршрутини ҳам сақлаши мумкин. Ушбу маршрутлар URL сатрининг охирида кўрсатилади.

Интернет порталы - деганда интернетдан фойдаланувчиларга бошқа сайтлардан ахборотлар олишга имкон берувчи, ўзида кўплаб ўқув-услубий, илмий материалларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мужассамлаштириш имконияти мавжуд веб ресурсдир.

Intranet (Intranet -интратармоқ) - дастурий маҳсулотлари ва Интернет технологияларини фойдаланиладиган бирор ташкилотнинг маҳаллий корпоратив тармоғидир, масалан, Web-сервер Интертармоқлар брандмауерлар деб аталувчи маҳсус дастурлар ёрдамида Интернетнинг ташки фойдаланувчиларидан ажратилиб қўйилиши ёки ташқаридан алоқа қилаолмайдиган автоном тармоқ сифатида ишлатилиши мумкин.

Тармоқ абонентлари – тармоқда ахборотларни юзага келтирувчи ёки истеъмол қилувчи обьектлардир. Уларга алоҳида компьютерлар, компьютер комплекслари, саноат иншоотлари, дастур орқали бошқариладиган станоклар ва бошқалар мисол бўлиши мумкин. Ҳар қандай абонент тармоғи станцияга уланган бўлади.

Станция – ахборот узатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи техник жиҳозлар йиғиндисидир.

Узел – тармоқнинг узатиш воситасига уланган ҳар қандай қурилмалар.

Сервер - бу тармоқдаги компьютерлар ва уларга хизмат кўрсатадиган ташкилотнинг компьютерлариdir.

Сервис–провайдер – компьютер тармоқлари хизматини ташкил қилувчи ташкилотлар ҳисобланади.

Протокол - бу компьютерлар орасидаги алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиш ва узатишда фойдаланиладиган келишилган сигналлардир.

Мижоз (Клиент) – вазифа, ишчи станция ёки компьютер тармоқларидан фойдаланувчилар тушунилади.

HTML формати (Hyper Text Markup Language – гиперматнни белгилаштили) – Web саҳифаларни яратишида қўлланиладиган тил ҳисобланади.

Мультимедиа воситалари - информатиканинг дастурий ва техниковий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) эфектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Замонавий ахборот технологиялари – шахсий компьютерлар ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчи ишининг дўстона интерфейсли ахборот технологиясиdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 4-19.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил, 29 август, //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. 1997 йил, 29 август, //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 31-61.
4. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш моделлари ва уларнинг синфлари //Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2004. - №5. – Б.50-56.
5. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзР Президентининг “Истебъод” жамғармаси, 2005. - 24 б.
6. Абдуқодиров А.А. Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш. Тошкент: ЎзР Президентининг “Истебъод” жамғармаси, 2006. - 64 б.
7. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. - Тошкент: Фан, 2009. - 146 б.
8. Арипов М. Internet ва электрон почта асослари-Тошкент:ЎзМУ,2000.-132 б.
9. Арипов М., Тиллаев А. Масофавий таълим. //Физика,математика ва информатика. – Тошкент, 2002. - №2. – Б.12-18.
10. Кирсанов Д., Веб – дизайн. – СПб., Символ-Плюс, 2001. – с. 376.
11. Мавлонова Р., Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика. Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 382 б.
12. Олимов К.Т. Электрон дарсликлар яратишнинг услугубий асослари. //Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2004. - №2. – Б. 11-13.
13. Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари – Тошкент, 2001. – 148 б.
14. Тайлақов Н.И. Масофали ўқитиш курсларининг модел ва шакллари. //Халқ таълими. – Тошкент, 2004. - №2.
15. Тоштемиров Д.Э. Масофали ўқитишнинг услугубий воситалари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2008. - № 5. – Б. 23.
16. Тоштемиров Д.Э., Тоштемирова Н. Масофали ўқитишни ташкил қилишнинг услугубий воситалари // ГулДУ ахборотномаси. – Гулистон, 2009. - №2. – Б. 58-63.
17. Таштемиров Д.Э. Дистанционное обучение в системе профессионального образования // Проблемы использования новых инновационных технологий в учебном процессе: Труды международной научно-практической конференции. 30-31 октября 2009. - Республика Казахстан, Шымкент, 2009. - с.160-165.
18. Тоштемиров Д.Э. Таълим порталининг таркибий тузилиши ва услугубий таъминоти // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2010. - № 2. – Б. 10-11.
19. Тоштемиров Д.Э. Информатика фанини ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш // Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари тўплами. 6-7 май 2010. – Гулистон: ГулДУ, 2010. – Б. 163-164.
20. Тоштемиров Д.Э. Таълим порталининг тузилиши ва мазмуни // Қазақстану. – Қозоғистон, Шымкент, 2010. - № 2. – Б. 138-141.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
I БОБ. ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	4
1.1. Таълим порталлари ва уларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти.....	4
1.2. Таълим порталлари асосида масофали ўқитишни ташкил этиш технологиялари.....	9
II БОБ. ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ ЯРАТИШ ВА УНДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ.....	19
2.1. Таълим портали тузилмаси ва уни яратиш босқичлари.....	19
2.2. “Информатика” фанини ўқитишда таълим порталидан фойдаланиш методикаси.....	29
Интернетнинг ахборот ресурслари манзиллари.....	45
Ахборот - коммуникация технологияларга оид глоссарий.....	49
Фойдаланилган адабиётлар.....	52

ИЗОҲЛАР УЧУН

ИЗОҲЛАР УЧУН

Дониёр Эшбаевич Тоштемиров

**Таълим портали яратиш ва ундан
фойдаланиш методикаси**

(Методик қўлланма)

Муҳаррир: Ҳ. Мирҳайдаров

Компьютерда терувчи: А. Умаралиев

Техник муҳаррир: М. Мирзаева

Теришга берилди 12.04.2018 й. Босишга рухсат этилди 28.08.2018 й.

Бичими 60x84 1/16, Нашр ҳажми 3,5 б.т. Адади 100 нусха.

© Университет босмахонасида чоп этилган.

707000, Гулистан ш. 4-мавзе, ГулДУ, Асосий бино, 2-қават. тел: 25-41-76